



№ 15 (2584) - son

Ishonch

2009-yil

Ya	D	S	Ch	P	J	Sh	Ya	D	S	Ch	P	J	Sh	Ya	D	S	Ch	P	J	Sh							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28

Fevral

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Икром ХАСАНОВ олган сурат

Анонс




Тирик(чи)лик

4-бет



Ғалати қонунлар

11-бет



«Кичинтой» саҳифаси

13-бет



Тўрақўрғонлик чемпион

14-бет

Пойтахт юбилейига бағишлаб

Юртимизда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш учун катта тайёрлик кўрилмоқда. Жумладан, Наманган вилоятидаги мактабларда ушбу сана муносабати билан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Яқинда вилоят марказидаги 1-музыка мактабида «Қалбимда Ватан мадҳи» деб номланган танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Наманган шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими ташкил этган тадбирда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирок этдилар.

Танловда Ҳасан ва Ҳусан Ботировлар биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга Фарҳод Маъруфжонов ҳамда Аббос Собиржонов муяссар бўлди. Ғолиблар эсдалик совғалари ва дипломлар билан мукофотланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёш оилаларга ипотека кредитлари

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки Марғилон филиали ўз фаолиятининг мақсад параметрларини таъминлаш учун кредит операцияларини фаол амалга оширмоқда. Шунга кўра, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш банк кредит сийёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди. Хусусан, филиал 11 нафар ёш оилага 410 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари берди. 6 оила уй-Ҳой шароитларини яхшилаш мақсадида 29 миллион сўм миқдорда истеъмол кредитлари олди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Янги иш ўринлари

Бухоро туманидаги Ҳавола Маҳмуд қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳаллий тадбиркорлар ва Москва шаҳридаги «Текстиль» МЧЖ ўртасидаги ҳамкорлик самарасида 30 та янги иш ўрни яратилди. Ҳавола қишлоғида «Ростекс-строй» қўшма корхонаси ишлаб бошлади.

— Авваллари «Бухоротекс»да ишлагандим, — дейди корхона ишчиси М.Ҳақимова. — Корхона инқирозга учрагач, анчадан бери бекор қолгандим. Қишлоғимизга яқин корхона менга жуда қулай бўлди. Умуми ишлаш учун барча шароит мавжуд. Ойлик маошларни вақтида олиб турибмиз.

Дастлабки ойда бу ерда 35 мингга яқин сочиқ ишлаб чиқарилди. Келгусида иш ўринларини янада кенгайтириш, маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Ўз мухбиримиз



Яхшилик ерда қолмагай

Кишилар кайфияти кўтаринки бўлишини таъминлашда маданият ва истироҳат боғларининг ўрни алоҳида. Бугун юртимизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи олтинчи яқин шундай муассаса фаолият кўрсатмоқда. Пойтахтимиздаги Фафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғи энг яхши дам олиш масканларидан ҳисобланади. Боғ Чилонзор туманидаги Қозиробод маҳалласи яқинидаги 22 гектарлик харобазор майдоннинг ўзлаштирилиши эвазига 1967 йили барпо этилган. Худудда иккита қўл ва болалар учун чўмилиш ҳавзаси мавжуд. Бундан ўн йил аввал ташкил қилинган «жонли бурчак»да бугун 24 турдаги парранда ва жонивор парвариш қилинмоқда.

— Боғимизда одамлар вақтини мароқли ўтказиши учун барча шароитни яратишга ҳаракат қилаёғимиз, — дейди боғ бадийи раҳбари Мирзааҳмад Содиқов. — Бу ерда йил давомида турли кўнғилочар тадбирлар, шоир ва олимлар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Тадбирларимиз санъаткорларнинг иштироки туфайли тобора қизиқарли бўлиб бормоқда. Карнай-сурнайчилар, дамли асбоблар оркестри, кўғирчоқ театри, шахмат-шашка, стол тенниси клублари, волейбол, баскетбол секциялари мавжуд.

Ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ногиронларнинг жамоатчилиги асосидаги «Ишонч» маданият ва спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Асосий вазирамиз уларни жисмонан соғломлаштириш, «Махсус олимпиада» ва «Паралимпиада» йўналишлари бўйича республика ҳамда халқаро миқёсда ўтказиладиган мусобақаларга тайёрлаш, шунингдек, бадийи ҳаваскорлик тўғрисида орқали маънавий эҳтиёжини қондиришдан иборат.

«Ишонч» аъзолари ўтган йилнинг май ойида Душанбе шаҳрида ўтказилган «Махсус олимпиада»да стол тенниси бўйича 8 та давлат спортчилари ўртасида ғолиб бўлиб қайтди. Шунингдек, марказ спортчилари сентябрда Остона — Бишкек — Тошкент — Душанбе йўналиши бўйича ўтказилган халқаро марафонда ҳам фаол иштирок этди.

Бир ярим ой аввал Тошкентда республикамизнинг 14 та баскетбол жамоаси иштирокидаги «Махсус олимпиада»да марказ жамоаси ғолиб бўлиб, Осиё биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Марказ фаолияти билан боғлиқ маълумотларни кўздан кечириб, боғ худудини айланар эканмиз, спорт майдончалари билан қизиқдик.

— Асосий жисмоний соғломлаштириш машғулоти боғ худудида, волейбол 2-педагогика коллежи спорт залида, футбол «Чилонзор» стадионида, қўл тўпи, дзюдо, мини-футбол машғулоти эса «Чилонзор» болалар спорт мажмуаси залида ўтказилмоқда, — дейди спорт ишлари бўйича марказ раҳбарининг муовини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси Рашид Сафариев.

Марказ аъзоларининг аксарияти тумандаги 66-махсус ёрданчи мактаб битирувчиларидир. Уларнинг барчасига «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» томонидан спорт кийимлари тақдим этилган. Тажрибали врачлардан иборат маслаҳатчилар доимий равишда ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказиб келади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчилари ногиронларга ўқиш-ёзишни ўргатиб, маданий тадбирларни ўтказишда ҳамкорлик қилмоқда.

Шерзод АБДУСАМАДОВ

Яқинда Адлия вазирлиги ташаббуси билан Миллий матбуот марказида «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» номли республика танлови юзасидан тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Танлов 2008 йилнинг май ойидан бошлаб жорий этилган бўлиб, унда Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг моҳиятини жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга ошираётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет сайтларида ёритиш назарда тутилган. Танловнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда журналистлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этиши мумкин.

Янги танлов эълон қилинди

Ўтган йилги низомга асосан ғолиблар «Энг яхши телелавҳа», «Энг яхши радиоэшиттириш», «Энг яхши мақола» ва «Энг яхши интернет материали» йўналишлари бўйича аниқланган бўлса, жорий йилда «Энг яхши видеоролик» номинацияси ҳам қўшилди.

— Мазкур танловни ўзгартиш ва қўшимчалар билан эълон қилишдан мақсад адлия идоралари ва тизимга кирувчи муассасаларнинг ОАВ билан ҳамкорлигини янада мустақамлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар моҳиятини халқимизга етказишдан иборат, — дея таъкидлади Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари, танлов ҳайъати аъзоси Тўрабек Тўраев. — Қолаверса, материаллар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан миллий қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аҳамиятини ёритиб бериш мезонига асосан ҳам баҳоланади.

Матбуот анжуманида танлов ва бошқа масалалар юзасидан журналистларга атрофлича ахборот берилди.

Анжуман сўнгида 2009 йилнинг феврал ойида барча худудий адлия бошқармалари томонидан журналистлар иштирокида ўтказиладиган матбуот анжуманларида мазкур танловни эълон қилишга ва унга маҳаллий журналистларни ҳам кўпроқ жалб қилишга келишиб олинди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Ташкилотнинг ўз ўрни бўлсин!

Андижон вилоят Агроекономика мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашининг Асака туманида бўлиб ўтган ўқув-семинарида вилоятдаги барча туман тармоқ касаба уюшма кенгашлари раислари ва вакиллари иштирок этди.

— Семинарни ташкил этишдан мақсадимиз Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида касаба уюшма кенгашлари фаолиятини янада жонлантиришдир, — дейди вилоят кенгаши раиси Ғайратбек Содиқов.

Семинар қатнашчилари фермер хўжалиқларидаги бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишишди. Аynиқса, «Ал-Маҳмуд» хусусий корхонасидаги учрашув самарали кечди. Бу корхона Асакадаги автомобилсозлик заводига эҳтиёт қисмлар етказиб беради.

— 29 йилдан буён шу соҳада ишлайман. Ўтган йили касабакўм етакчилигига сайландим. Семинардан керакли хулосалар чиқардим. Асакаликлар тажрибаси ҳаммамиз учун ибратдир, — деди Қўрғонтепа туман агроекономика мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Тўлқин Жумабоев.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Боёвут туманида ҳар икки кишининг бири Жоникул Мурсурмоновни танийди. Асли касб-кори ҳайдовчилик. Анча йиллар «КаМАЗ» машинасида хориж мамлакатларига юк ташиди. Мустақилликка келиб эса унинг ҳаёти тубдан ўзгарди. Жоникул кўплар қатори ер олди. Ишларни йўлга қўйиб олгач эса, ночор ҳолатга тушиб қолган чорвачилик фермасини

Иш билганга минг танга

ҳам ўз тасарруфига ўтказди. Хуллас, у ишнинг ўзини эмас, кўзини билиб қилишга ҳаракат қилди. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида, озука экинлари етиштириладиган ерни кенгайтирди. Жумладан, беда майдони 37 гектарга етди. Чорва моллари сони 160 бошдан ошди. Уларнинг тенг ярми соғин сигирлардир.

Ҳаракатлар самараси чакки эмас. Даромаднинг ўсиши ҳисобига фермер хўжалигида ҳар бир ишчи ва молбоқар ўртача 100-120 минг сўмдан маош олаётир. «Иш билганга минг танга» деб, шуни айтсалар керакда...

Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Автокорхонанинг ютуғи

Навий кон-металлургия комбинати таркибидаги 5-автокорхона 2008 йилда бўлиб ўтган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасидаги кўриктанлов натижасига кўра «Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда намуна бўлган халқ хўжалиги маскани» йўналиши бўйича 3-ўринни эгаллади.

Автокорхонада 425 та автомашина бўлиб, юк ва йўловчи ташиш бўйича хизматлар кўрсатади. Транспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида бу ерда ижобий ишлар йўлга қўйилган.

Ўз мухбиримиз

Истеъдодли мусаввир кўрғазмаси

Шаҳрисабзда яшаб ижод қилаётган етмиш ёшли рассом Анвар Ҳақназаров ўз асарларида юртимизнинг бетакрор манзаралари, қадимий ва ҳамиша навқирон Кешнинг тарихий обидалари ва ўзига хос феъл-атворга эга тоғ одамларининг ҳаётини акс эттиради. Яқинда рангасвир устасининг асарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Табиат манзаралари ўз инъикосини топган «Филоф йўли», «Яккабоғ дарёси», «Оқсув», «Сокинлик», «Наврўз», кўҳна шаҳарнинг асрий обидалари моҳирона акс эттирилган «Эски Шаҳрисабз», «Дорус-саодат мажмуи», «Шамсиддин Қуллоқ макбараси», буюк соҳибқироннинг нурли сиймоси тасвирланган «Амир Темур руҳи» каби асарлар рассомнинг теран мушоҳадаси меваси.

Таниқли мўйқалам соҳибининг асарларини хорижлик сайёҳлар ҳам қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

И. ИСОМИДИНОВ

Улар билан қишлоқ обод

Мўминчол бошқалар назарида «ғалати» одам. Ювошгина, аммо куюнчак. Каллаи сахарлаб туриб, бир парча ерида куймаланади. У турли кўчатлар экди. Боғи бир боғ бўлди кўз теккудек... Сархил ширин-шакар мевалар тилни ёради. Бошқа биров бўлса, шуларни сотиб бой бўлар, ҳашаматли уй қурар, ялло қилиб «Мерседес» русумли машиналарда юрарди. Аммо у бундай ҳашамлардан йироқ-да... Чакалқордаги бир кулбада камтарона, хокисор кун кечиради. Баъзан ўғилларининг ҳай-ҳайлашига қарамай, шаҳарга яёв йўл олади. «Тоза ҳавода сайр қилиб, пиёда юрганга не етсин» деб кўяди.

Мўминчол нафақага чиқди, «энди уйингда тинчгина ўтир» дегувчилар бўлди. Бироқ бундай гаплар унга ёт. Қишлоқда сув кам эмасми, бошлиқлар билан келишиб, муаммони ҳал қилиш ҳаракатига тушди. Бу кимгадир ёқди, кимгадир йўқ. Мўминчол эса билганидан қолмади, зовурдан сув олиб ўтининг ўзи бўлмади. Кўп ишлар ҳашар йўли билан бажарилди. Кўприк қурилди, латок сотиб олинди. Мироб Аҳмад Қурбонов Таллиулғун қишлоғи учун саккизта латок берди. Ниҳоят, Мўминчолнинг му-

роди ҳосил бўлди. Ҳамқишлоқлари орасида обрўйи янада ошди. Қариянинг гапи гап бўлиб қолди. Қишлоқда ободончилик ишлари авж олди. Кўчалар бўйлаб тераклар экилди. Унинг тилида доимо бир гап: «Ақлинг бўлса, дарахт эк, дарахт — жаннат дегани». Яна у: «Болангга насихат қил, қулоғига олмаса ҳам майли, вақти келса ўзи тушунади» дейди.

Қишлоқдагилар бир-бирларига суйаниб, яқдил яшайдилар. Тўй ҳам, маъ-

— Домла, сизнинг даврингизда ҳам бунақаси бўлганми? — деб чет элдан келтирилган видео тасмани кўрсатишди. Ўқитувчи беҳаё тасвирларни кўриб, ҳуши бошидан учди ва бир сўз демай зиёфатни тарк этди. Шогирдлар эса ҳай-ҳайлаганча қолавердилар. Ўқитувчи асабийлашиб, бор гапни Мўминчолга етказди. Буни эшитган Мўминчол ёқа у ш л а б :

ган ёшлар хатти-ҳаракатига ҳам чек қўйилди.

Президентимизнинг 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номлагани Мўминчолга жуда ёқиб тушди ва «бу айни муддао» деб қўйди. Ҳали унинг ғайрати ошиб-тошиб ётибди. Буни қарангки, кимдир электр, газ, ичимлик суви ҳақини тўламайди. Бундайларни деб, бутун қишлоқ аҳли жабр кўради. Шу инсофданми?... Мўминчол бунинг ҳам йўлини топди, ўзига ўхшаган қариялар билан кенгашиди ва баҳамжиҳат бош қотиришди. Пировардида масала ижобий ҳал этилди.

Мўминчол Қашқадарё вилояти Касби туманининг обод қишлоқларидан бирида яшайди. У каби фидойи кишилар боис йўллар асфалтланган, газ, ичимлик суви қувурлари тортилган, савдо дўконлари ишлаб турибди. Экин-тикин зўр. Хуллас, қишлоқликлар дориломон умргузаронлик қилишяпти. (Унинг илтимосига кўра, исми ўзгартирилди). Муҳими бу эмас, сираси Мўминчолдек кишилар республикамизнинг ҳамма жойида топилади. Бундайлар бор экан юксалиш бўлаверади, қишлоқларимиз эса кун сайин жамол очаверади.

Дўстмурод ҲАҚНАЗАРОВ

Мўминчол

рака ҳам маслаҳатсиз битмайди. Иймонли, эътиқодли одамлар кўп. Масжидлар гавжум, бироқ мўминчоллар кам. Ўз манфаатини кўзлаб, босар-тусарини билмайдиган такаббур кимсаларни жини суймайди. Шунингдек, қуюшқондан чиқиб кетадиганларни ҳам...

Кексароқ ўқитувчини ўқувчилардан бирининг туғилган кунига таклиф этишди. Даврада ҳатто қизлар ҳам бор. Бир қараганда, ҳаммаси рисоладагидек эди, лекин ўғил болаларнинг қилиги ошиб тушди.

«хойнаҳой ота-оналарнинг хабари бўлмаса керак» деди. Сўнг иккаласи маслаҳатни бир жойга қўйиб, фуқаролар раисининг ҳузурига боришди, аммо у мулоҳаза юритиш ўрнига, «Сиз чолларга, ёшлар орасида нима бор?» деб таъна қилди. Мўминчолнинг эса тажанглиги тутиб, раисга айтадиганини айтди. Кейин ўзи сингари кишилар билан биргаликда қишлоқдошлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб ўборди. Хуллас, уларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ бундай ашёлар бошқа келтирилмайдиган бўлди. Кечаси микрофонни баланд қўйиб, одамлар ҳаловатини бузадиган, бақир-чақир қилиб юради-

Ҳамиша эл хизматида

Тошлоқ тумани Заркент қишлоғида жойлашган алоқа бўлимига Нўмонжон Холдоров бошчилик қилаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо у ўзининг ташаббускорлиги, талабчанлиги билан эл назарига тушди. Ҳамқишлоқларининг алоқа бўлимини «Нўмонжон почтаси» деб алқашда ҳам катта маъно бор. Миқозларга кўрсатилаётган почта хизмати тезкор ва сифатли бўлгани учун ҳам мазкур алоқа бўлими жамоаси хусусида ҳар доим илиқ сўзларни эшитиш мумкин.

Почта хизмати кўрсатиш турларининг кўпайгани, жумладан, даврий нашрларга обуна қилиш, газета ва журналларни эгаларига тарқатиш, пенсионер ва нафақахўрларга пулларини вақтида етказиб бериш, коммунал тўловлар ҳақларини йиғиш сингари ишлар ходимлар зиммасига катта масъулият юклайди. Режалар мунтазам равишда ошириб бажарилмоқда. Бунда ишчан хабарчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. 237 нафар нуронийга, эҳтиёжман, ногирон, ёлғиз, боқувчисини йўқотганларга, фахрийларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Почта алоқаси бўлимида ишчи-ходимлар ҳамиша эрдокда.

Масалан, ибратли ишлари учун коммунал тўловларни бажарган хабарчи Баходир Усмонов туман почта алоқа тармоғи томонидан велосипед билан, хабарчи Расулжон Ҳасанов газета ва журналларга обунани яхши ташкил қилгани учун гилла билан тақдирланди.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ,
Марғилон шаҳри

Катта ўзбек тракти бўйлаб борар экансиз, қуюқ дарахтлар орасида мовий денгиздаги оқ кемадек қанот ёзган дала шийпонига кўзингиз тушади. Бир томони ёнғоқ, гилос, ўрик дарахтларига бурканган мевазор боғ, иккинчи ёни сершира узумлар ўстирилган тоқзор, яна бир томони тутзор. Ховуз атрофига экилган анвойи гулларнинг ифори кайфиятни кўтаради. Дид билан ясалган чорпоёда кўрпачалар тўшаб қўйилган. Юзлари чўл офтобиде қорайган, билаклари темирдек чайир дехқон Абдимурод аканинг кайфияти аъло.

Шийпон Абдимурод аканинг иккинчи уйи. Бу ерда яшаш ва дам олиш учун ҳамма шароит бор. Шунинг учун кўлидан иш келадиган набираларига вақт топдими, шу ерга чопади. Шийпон ёнидаги экинларга қараш бола-чақалар зиммасида. Уларга оила бекаси Роҳила ая бош-қош.

Президентимиз Ислоҳ Каримов икки марта фермернинг дала ишлари билан танишиб, қишлоқ оқсоқоллари ва жамоа аъзолари билан суҳбатлашган. Юртбошимизнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари ҳануз фермернинг қулоғидан кетмайди.

бўлиб ишлади. Кўп вақт бригадага бошчилик қилиб, илғор пахтакор сифатида танилди. Мустақиллик шарофати билан фермерликка қўл урди.

— Бугунги кунда фермерлик қишлоқ хўжалигининг истиқболли, фаровонлик манбаи эканлигини ту-

дехқон бола-чақаларининг ризқини шу бир парча ердан топди. Ўғил-қизлари уйли-жойли, рўзғори тўкин, камчилиги йўқ.

Ҳар гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 75 центнердан хирмон кўтарилади. Давлатга 30 тонна сарадон топширилиб, қолганга-



Қамаши туманининг Чим мавзесидаги Сарбозор қишлоғида таваллуд топган Абдимуроднинг ота-онаси ҳам дехқон бўлишган. Саккиз нафар оқил фарзандни воёга етказган Бозор бобо ва Норчучук момо уларнинг билими, эл орасида обрўли кишилари бўлишини орзу қилишган.

— Мактабни битириб, хўжаликда ишладим, ҳарбий хизматни ўтадим, — ўтган кунларини эслайди дехқон. — Тошкент қишлоқ хўжалиқ институтини тугатиб, агрономлик дипломи билан қишлоққа қайтдим.

Ҳаёт инсонни синовдан ўтказди. У йигирма йил мобайнида бўлим агрономи

шуниб етдик, — дея суҳбатни давом эттирди Абдимурод ака. — Лекин бир гапни айтиб қўяй. Мамлакатимизда фермерлик жараёни бошланганда кўлидан келадиган ҳам, келмайдиган ҳам ерга ўзини уриб, фермер бўлишга қизиқиб қолган эди. Вақт — олий ҳакам. Ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини эндиликда кўриб, ҳис этиб турибмиз. Ерни боқсанг, у сени тўйдиради. Буни вилоятимиздаги илғор фермерлар мисолида кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, дехқон меҳрига қонган ернинг саховатидан тўкинчилик, кут-баракат, фаровонлик юзага келаяпти. Замин билан тиллашган уста

ни ишчиларга тарқатилди. Кўрибсизки, жамоага уюшган 12 нафар ишчининг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой.

Куз баракали келди. Пахта хирмони ҳам сарбаланд. Шартнома бўйича 120 тонна «оқ олтин» топширилиб, йиллик режа воҳада биринчилар қаторида бажарилди. Ҳисобкитобларга кўра, пахтачиликнинг ўзидан 70 миллион сўм даромад олинади.

— Келган фойдани қандай сарфляяпсиз? — сўраймиз — дехқондан.

— Ўттиз бир миллион сўмга «ДТ-150» ҳайдов, йигирма олти миллионга чопиқ

тракторини ускуналари билан сотиб олдим. Яқинда галла ўрадиган комбайн харид қиламан. Ҳар йили мактабга ва кам даромадли оилаларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатамиз.

Дехқоннинг онги, тафаккури, турмуш тарзи ўзгариб бораёпти. Умр йўлдоши Роҳила ая билан бахтли ҳаёт кечираётган Абдимурод ака ўттиздан зиёд неварачеваралар қуршовида ташвишларни бир дам унутди.

Ўғил-қизлари эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишган. Бирови ота қабри агрономликини эгаллаган бўлса, бирови зоотехник, қолганлари ўқитувчи, муҳандис, шифокор.

Фермер хўжалиги ишчилари учун ҳамма шароит яратилган. Сабзавот-полииз маҳсулотлари истаганча. Чорвачиликни ривожлантириш режалаштирилган. Насиб этса, ана шунда гўшт, сут, тухум ҳам текин бўлади.

Абдимурод ака учун бағри кенг даласи боласидек азиз ва қадрли. Шу ерни ардоқлаб, кам бўлгани йўқ. Дехқон қалбидек қайноқ тупроқ унга қувват беради, куч-ғайрат бағишлайди.

Бундан бир неча йил муқаддам қишлоқ хўжалигини юксалтиришдаги фидойи хизматлари эвазига «Шухрат» медалига сазовор бўлган эди. Меҳнат инсонни улуғлайди. Самарали меҳнати ва эришяётган ютуқлари билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоа ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматида сазовор бўлганлиги учун Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги бошлиғи Абдимурод Бозоровнинг кўксини Ватаннинг юксак мукофоти «Эл-юрт ҳурмати» ордени безаганлиги ҳам бежиз эмас.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Тирикчилик тирикчиликми? Ёки тирикчилик асоси тирикчилик?

Саволнинг залворни оғир. Эхтимол, бу оғирлик одам хаёти тарозисини мувозанатда тутиб турган ягона вазн, ўлчам ёхуд мезондир. Нима бўлган тақдирда ҳам ушбу саволга жавоб топмай туриб, ЎЗ Асоси(миз)ни ҳам англай олмаймиз. Куйидаги материалларни ўқиркансиз, бу савол яна бир бор тегрангизда чарх уриб айланса, ажаб эмас.



Тирикчилик (чи)лик

дарёси заминга сув бериб, яшнатиб олдинга интилади. Жамики тирик зот ундан наф кўради. Соҳилда эса соч юваётган қизлар...

Аъзамжоннинг «Соғлом авлод», «Билимга чанқоқ ёшлар», «Мусаффо ҳаёт» номли расмлари олдиндан ҳам кетгингиз келмайди.

Рангларнинг маҳорат билан танланганлиги эътибор-

ни тортади.

— Аъзамжон туғма истеъдод, — дейди устози Пўлатжон Жалилов. — У чизган табиат манзаралари ва натюр-мортлардан буни пайқаш мумкин. Жуда кузатувчан. Борлиқдаги рангларни эслаб қолишга ҳаракат қилади. Бунинг устига жуда меҳнаткаш.

— Мен ҳам Аъзамжон Насриддиновнинг изланувчанлигини қадрлайман, — суҳбатни давом эттиради бошқа бир рассом Аҳаджон Дадабоев. — Мусаввир табиатни севиши керак. Бу ҳислат унда бор. Ҳеч нарса ёш рас-

ўтказмоқда.

Аъзамжоннинг болалиги осон кечмади. Отасидан барвақт айрилди. Оғир касалликка чалиниб, сўзлаш ва эшитиш қобилиятини йўқотди. Онаси Марғуба опа фарзандининг соғайиб кетиши, тенгдошларидан кам бўлмаслиги учун жон куйдириб, неча тунларни бедор ўтказди. Аъзамжон Учқўрғондаги махсус мактаб-интернатга қадам қўйган давридан рассомчиликка меҳри ошди. Чизган расмлари туман ва вилоят ижодкор болалар кўرғазмасидан жой ола бошлади. Интернетдаги тахсилдан сўнг Марғуба опа ўғлини Намангандаги санъат коллежидан ўқитди. Бу ерда мохир рассомлар кўлида тарбияланаётган Аъзамжон узил-кесил ўз йўлини топиб олди. Унинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Мустақилликнинг 15 йиллиги», «Ногирон истеъдод эгалари» асарлари вилоят ёшлари кўрғазмаларида совринли ўринларни эгаллади. Дастлаб «Меҳр нури» жамғармаси, яқинда «Келажак овози» вилоят танловининг ғолиби бўлди. Биз ҳам ёш рассом ижодига парвозлар тилаб қоламиз.

Ж. ОБИДОВ

Сўқмоқ. Йўловчи. Манзил.

Мен борман — мана шу менинг тирикчилигим: мавжудчилигим, ЎЗ Вазифамнинг борлиги, ҳадсиз-ҳудудсиз бу Кенглик (унинг қуршов ё бепоёнлиги — бошқа масала) ичра ЎЗ Ўрним... борлиги.

Атрофга қаранг: рақам унутган олам гармониясида ортиқча нарсанинг ўзи йўқ: барчаси бир-бирини (демакки, ўз-ўзини) тўлдириб боради. Қирралари — зарурат, риштаси — ҳаракат, меҳвари — ЎЗасос бўлмиш... Галактика (борлиғу йўқлик) бемаъни бўлиши мумкин эмас. Агар шундай бўлганида эди, ХАРАКАТ ўз-ўзидан тўхтаб қолган бўларди.

«Тўхтасам — чўкаман».

Бу — аллақачон чўка бошлаганларнинг типирчик оҳ-воҳи.

«Яшашдан маъни йўқ».

Бу — ҳали яшашни билмаганларнинг ивирсиқ зорланиши.

«Ҳаёт — алдов ва ёлғондан иборат».

Агар шундай бўлса, уни тутиб турган нариги қирра ҳам мавжуд.

Яшаш учун ҳар кун курашга киришиш керак. Изтиробли мағлубиятлар — ЎЗ қайроқтоши. Йиқилишдан олчқларгина кўрқади.

Тирикчилик — тирикчилик(им) учун трамплин. Бу кундалик (моддий ё номоддий) эҳтиёжлар.

Тўғри, одамнинг нон тишлаб туриб... учишни истаб қолиши — кулгили ва бу кулгида мантиқ ҳам бордек: ҳеч замону маконда оқчарлоқ ботқоқни ёки тўнғиз самони кўмсмайди. Аммо одам... ҳа-ҳа, ўша малаклик ва ҳайвонлик аросатида саргардон Одамзотгина бир пайтнинг ўзида икковини-да исташи мумкин. Хавотирли нуқта шу ерда. Самодан ҳайдалса ҳам барча яратилардан тўрда улугланган башарга танлаш имконияти берилган. У учун оқлов йўқ: айбдор фақат ўзи.

Мен — серилдиз дарахтга ўхшайди: худбинлик, ЎЗпарастлик...

Лекин сон-саноксиз «мен»лар бир-бирига халал бермай, Ягона МЕНга эврилгандагина одам нажот топади.

Тирикчилик тирикчилик дарёсини булғаса ё дамбаласа — одам кичраяди, Инсонлик Уфқи олислашади, руҳ вужудга енгиледи...

«Кўпроқ пул топиш керак».

Парча қоғознинг асил моҳиятини кўра олмаганларгина шундай ҳансирайди.

«Бу дунё — ўйин».

Ўзини кўпқаридаги улоқ сифатида кўрганларгина шундай дейди.

«Тўда бўлиб югурсак, кўпроқ чанг чиқади».

На кўним, на турим, на манзил... тополмай шата-лоқ отаётганларгина шундай пишқиради.

Сўқмоқ — бисёр, Манзил — ягона.

Ҳали шундай лаҳза келади: барча ўз томчилари Ўз ирмоқлари — анҳорлари — дарёлари оша ЎЗденгизда бирлашади. Зотан, тирикчилик — шу Сўқмоқнинг, Йўловчининг, Манзилнинг борлиги... Вазифа — имкон қадар йўл босиш... Манзил — ЎЗ олдидаги поклик демакдир.

Алпомиш ҲОҒУРОВ

Узоқдаги куйруқдан...

...Жамшид ташкилотда ишлар, хотини уй бекаси эди. Эр янада яхшироқ пул топиб, чиройли ҳаёт кечиришни хоҳлаб қолди. Чет элга бориб келган ўртоғига учрашди.

— У ерларга борсанг кам бўлмайсан. Камида 500-600 долларлик ишлар бор. Хоҳласанг, боришингга ёрдам беришим мумкин, — деди у.

— Шундай қил, ўртоқ. Бундай яшаш жонга тегиб кетди.

— Ундай бўлса тезроқ йўлқира топ. У уйига кўтаринки кайфиятда кириб келди:

— Хотин, тезроқ чойингни дамлаб, ёнимга ўтир...

— Ҳа, отаси, олтин топдингизми? — дея хотини дамлаб қўйган чойини олиб кирди.

— Чет элга бормоқчиман. Дунё кўраман, ишлайман. Қарабсанки, бир-икки йилда бойиб кетамиз.

— Кўйсангиз-чи, топиш-тутишингиз ёмонмас. Қора қозонимиз қайнаётган бўлса...

— Ахир ҳозир ҳамма чет элга кетаяпти-ку! Борганларнинг бирортаси нолигани йўқ. Данғиллама уй қуришаяпти. Улардан бизнинг қаеримиз кам? Одамларнинг яшашини бир кўрсанг эди. Бир йил нима? Ғир этиб ўтади-кетади. Ҳадемай ўғил уйлантирамиз, қиз чиқарамиз. Озмунча пул керакми?

— Ўзингиз биласиз, — дея унга ён босгандек бўлди хотини.

Эртаси кунёқ яқин таниш-билишларидан қарз кўтаришди.

Ярим йил деганда Жамшид Кореяга кетди. Шундан сўнг ойига 50-100 доллардан жўнатиб турди. Сўнгра жим бўлиб қолди. Орадан бир йил ўтди. Жамшиддан эса дарак йўқ. Хотинининг боши таъна-ю дашномлардан чиқмай қолди. Жамшиднинг танишлари эшикни бузгудек бўлиб келишар, унинг йўқлиги-

ни, келмаганини билишгач, сўкиб-сўкиб кетишарди.

Хотин юрагини ҳовучлаб, эшикнинг тиқ этган товушидан чўчиб ўтирарди. Кейин Жамшиднинг танишлари берган қарзлари эвазига уйдаги қўлга илинадиган нарсаларни олиб кета бошлашди. Охири у учта боласи билан онасиникига кўчиб ўтди. Чунки уйини сотиб, қарзларини тўлади. Жамшид эса орадан икки йил ўтгач, озиб-тўзиб, касалманд бўлиб, зўрға уйига қайтди. Олиб борган ўртоғи уни чет элликларга кул қилиб сотиб юборган экан.

Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошутарози деб шунга айтсалар керак-да.

Хонбиби ҲИММАТ қизи



Грипп юқумли касаллик бўлиб, йилда бир неча бор ўзига хос «портлаш» ни бошдан кечиради. Натижада, Ер аҳолисининг 20-25 фоизи бу касаллик билан хасталанади.

Гриппнинг энг катта пандемияси (бир вақтнинг ўзиде бир неча давлат ва қитъада кенг тарқалиши) 1918 — 1919-йилларда кузатилган, тахминан 500 млн.га яқин киши касалланиб, шундан 40 млн.дан ортиғи вафот этган. «Испанка» номи билан тарихда қолган.

Мутахассисларнинг эпидемиологик башоратларига қараганда, грипп пандемияси яна қайд этилиши эҳтимолдан узоқ эмас, лекин у қачон бошланиши тўғрисида аниқ фикр йўқ.

Грипп юқори нафас йўллари яллиғланиши, ҳароратнинг кўтарилиши ва организмнинг умумий захарланиши билан кечадиган ўткир юқумли касалликдир.

Грипп вируси инфлюэнцавирус авлодига мансуб бўлиб, уларнинг 3 та — А, В, С тури (серотипи) мавжуд. А тури В ва С турларидан фарқли ўлароқ, асосан оғир асоратларни келтириб чиқаради. А турдаги грипп вируси одам, парранда ва баъзи сут эмизувчи ҳайвонларда касаллик кўзғатади.

Ўтмишда одамлар ўртасида қайд этилган барча эпидемия ва пандемияларни айнан А турдаги вирус кўзғатган. А турдаги грипп вируси ўта ўзгарувчанлиги билан В ва С турдагилардан фарқ қилади.

Хайриятки, грипп вируслари ташқи муҳитга чидамсиз. Қиздирилганда ва қайнатилганда, хона шароитида, қуёш нури таъсирида тез нобуд бўлади. Дезинфекцияловчи воситалар (хлорли оҳак, хлорамин, гипохлорит калций)га таъ-

сирчан. Паст ҳароратда (0°Сдан паст) вируслар узоқ вақт тирик сақланади.

Грипп вирусларини тарқатувчи манба шу хасталик билан касалланган бемордир. Вируслар одамларга бевосита кўрпа-тўшак, сочик, идиш-товоқ, шунингдек, камдан-кам ҳолларда ўйинчоқлардан ўтиши мумкин. Асосан ҳаво-томчи йўли билан юқади. Бемор йўталганда, аксирганда, ҳатто гаплашганда атроф-

беморда тумов аломатлари пайдо бўлади. Грипп касаллигида яширин давр ўртача 1-2 кун давом этади. Бу даврда касаллик аломатлари сезилмайди. Касаллик тўсатдан бошланиб, аъзо бадан увишиб, ҳарорат кўтарила бошлайди. Бемор совқотади, қалтирайди. Бошида, қўл-оёқларида оғриқ пайдо бўлади. Бемор кўп терлайди, умумий ҳолсизлик кузатилади.

Грипп энгил, ўрта оғир,

қатор асоратлар қолдиради.

Баъзилар бу касалликка етарли эътибор бермай «оёқда» ўтказди, ўзича даволанади, бу эса юқорида айтилган асоратларга олиб келиши мумкин. Агар оила аъзоларидан бирида грипп аломатлари пайдо бўлса, уни боғча, мактаб, ўқиш ёки ишга юбормаслик керак. Шифокор тавсиясига



теъмол қилмаслиги шарт. Чунки спиртли ичимлик ичганда беморнинг касалликларга қарши курашиш қобилияти сусаяди.

Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, жисмоний тарбия билан шугулланиш, тўғри овқатланиш, очиқ ҳавода сайр қилиш касал-

Гриппдан

сақланишнинг!



муҳитга кўп миқдорда вирус ажратади. Гриппга чалинган бемор бир неча (ўртача 4-5) кун мобайнида атрофдагилар учун хатарлидир.

Вируслар соғлом кишининг юқори нафас йўллари шиллик пардаси хужайралар ичига кириб кўпаяди ва уларни емиради. Натижада шиллик пардалар яллиғланиб, шишади ва

оғир ва ўта оғир шаклларда кечади. Ўта оғир шакли баъзан ўлим билан якулланади.

Шуни ёдда тутиш керакки, гриппнинг асоратлари ёмон. Гриппдан кейин беморда менингит (мия пардасининг яллиғланиши), менингоэнцефалит (мия пардаси ва тўқимасининг яллиғланиши), отит (ўрта қулоқнинг яллиғланиши), бронхит (бронх йўллари яллиғланиши), зотилжам (ўпка тўқимасининг яллиғланиши) ва бошқа бир

кўра, бемор уй шароитида ётоқ тартибида даволаниши, унинг парвариши билан шугулланган киши 4 қаватли донадан ниқоб (ҳар 3-4 соатда ювилиб, дазмолланиб, қайтадан фойдаланиши зарур) тақиши лозим.

Хонанинг ҳарорати +20°С дан кам бўлмаслиги, кунда камиди 3-4 марта шамоллатиш керак. Беморга тез тез турли суюқликлар (лимон чой, шарбат, наъматак дамламаси, қатик) ва энгил ҳазм бўладиган овқатлар бериш тавсия этилади.

Бемор даволаниш даврида ўзича турли хил дори-дармон, айниқса, антибиотикларни ичмаслиги, ҳаммомда чўмилмаслиги, тамаки чекмаслиги, шароб ис-

ликдан сақланишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарвоқе, гриппга қарши эмлашнинг ҳам аҳамияти катта. Ҳозир яхши самара берадиган бир қатор вакциналар (инфлювак, антигриппин) қўлланыпти. Албатта, бу шифокор тавсиясига кўра амалга оширилгани маъқул.

Гриппдан сақланиш аввало, ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Хусан САПАРОВ,
Гаффор ЭРГАШЕВ,
Республика санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари, тиббиёт фанлари номзодлари

Дил изҳори

Миннатдорман

Юрак касаллиги нозик ҳиссиёт билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг хурсанд ва хафа бўлиши оқибатида келиб чиқади. Шунинг учун танамиздаги энг заҳматкаш аъзо — юракни асрашимиз зарур. Негаки, бошқа аъзоларимиз фаолияти ҳам юрак билан боғлиқ.

Мен бир неча бор Республика шилинч тиббий ёрдан илмий маркази Андижон вилоят филиалининг кардиология бўлимида даволандим. Бу ердаги интизом, тозалик, ходимларнинг ширинсуханлиги, талабчанлигини кўриб қувондим. Профессор Н.Мамасолиев, бўлим мудирини З.Ниёзов, шифокорлар Ҳ.Йўлдошева, А.Латипов, ҳамширалар Б.Валиева, Э.Гурянова каби фидойиларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ. Уларга миннатдорчилик билдириб, қўлингиз дард кўрмасин, азизлар дейман.

Ж.ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Хотирам кучайсин десангиз...

Бир соатча олдин бўлган суҳбатнинг мазмунини эслолмасангиз ёхуд буюмларни кўйган жойингизни топа олмаётган бўлсангиз, демак, хотирангиз сусая бошлабди.

Хотира — инсон миясининг содир бўлаётган жараёнлар, воқеликларни эслаб қолиш қобилияти. Маълум бўлишича, хотира биз туғилмасимиздан аввалроқ ишлашни бошлар экан. Аммо вақт ўтган сари у сусая боради. Хотирани каттагина сандиққа менгзаш мумкин. Керакли-кераксиз нарсаларни сақлаб кўядиган жиҳоз каби маълум вақтдан сўнг хотира сандиғи ҳам тўлади ва ортиқча нарсани қабул қилишга қийналиб қолади. Шунинг учун мутахассислар тўғри келган маълумот ва ҳодисани эслаб қолишни маслаҳат бермайдилар. Чунки қуввайи ҳофизамизнинг имконияти чекланган.

Бундан ташқари, хотиранинг заифлашишига бош мия жароҳатлари, руҳий зўриқиш, асабийлик кабилар ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, организмда мия фаолияти учун зарур бўлган муҳим минерал ва витаминларнинг танқислиги, нотўғри овқатланиш эслаш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Нейрохирургларнинг таъкидлашича, хотирани мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда мияни зарурий озуқа билан таъминлаган афзал.

Оқсиллар. Бу унсурнинг таркибий қисми ҳисобланган аминокислоталар хотирани яхшилашда катта рол ўйнайди. Айнан оқсилнинг меърида бўлиши кўплаб нохушликларнинг олдини олади. Турмушда ишлатадиганимиз — қизил ловия, гурч, ёрма, талқон, шунингдек, балиқ ва гўшда ушбу минерал кўп мик-



дорда учрайди.
Ёғлар. Мия фаолияти ёғсиз тўхтаб қолади. Бу муболаға эмас. Миямиз зарур ахборотни пухта эслаб қолиши учун у «ҳазм қиладиган» ёғ миқдори ва сифати умр давомида бир зайл бўлиши керак. Кунгабоқар, зайтун ва маккажўхори ёғлари таркибида мия учун зарур ёғ

кислоталари мавжуд. Қўй ёки мол ёғида бу қўшимчалар йўқ ҳисоб. Балиқ ёғи эса аксинча. Шу боис, ҳафтада ҳеч бўлмаса бир марта балиқ истеъмол қилиш нафақат хотирани, балки мия ва кўз фаолиятини ҳам сезиларли даражада яхшилайди.

Витаминлар. Асаб тизимининг мўътадиллигини таъминлаш ва эслаб қолиш жараёнида В гуруҳ витаминларининг ўрни катта. Улар қоранон, сут-қатик, жигарда кўп бўлади. Таркибида С ва Е витаминлари бўлган лимон, апельсин, наъматак, кунгабоқар ёғи, сабзавотларни ҳам тез-тез истеъмол қилиш керак.

Углеводлар. Бош мия учун зарур озуқа — глюкозадир. У углеводлар таркибида бўлади. Аммо барча турдаги углеводларни ҳам фойдали деб бўлмайди. Миянинг рисоладагидек ишлаши учун ёрма ва сабзавотларни мунтазам истеъмол қилиш фойдалидир. Хамир ва қандолат маҳсулотларини эса имкон қадар камроқ истеъмол қилган маъқул.

Микроэлементлар. Рух, темир, магний микроунсурлари диққатни жамлашда сезиларли ёрдан беради. Улар сули, бугдой ёрмаси, гурч, гўшт, ёнғоқда кўп миқдорда бўлади.

Жамшид НИЁЗОВ

Сўраган ЭДИНГИЗ...

Имтиёзли пенсияга чиқишим учун махсус стажга катта кутубхоначи бўлиб ишлаган даврим кўшиладими? Р.ХУДОЁРОВА, Зарафшон шаҳри

Йўқ. «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 3-рўйхатга кўра фақат камида 25 йил (кутубхоначи ва кутубхона мудирлари) ишлаганлар умумий белгиланган ёшдан 5 йил илгари пенсияга чиқишлари мумкин.

«Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 3-рўйхатнинг 7-қисмига мувофиқ умумтаълим мактаби ўқитувчилари иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда 55 ёшдан пенсияга чиқиши мумкин. Агар 1992 йилдан ўқитувчи бўлиб ишлаган бўлсангиз ҳам имтиёзли пенсияга чиқингиз учун махсус стажингиз етишмайди.

1977 йил сентябрдан ўрта мактаб ўқитувчиси, 1982 йилдан ўқув-ишлаб чиқариш ўқитувчиси ва устаси бўлиб ишладим. 1992 йилдан мактабга ўтдим. Умумий педагогик стажим 32 йил. 55 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми? О.ЖУМАЕВ, Қоракўл тумани

О.ЖУМАЕВ, Қоракўл тумани

Ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги билимларни мустаҳкамлашда хориж тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Газета саҳифаларида хориждаги прокуратура тизими ҳақида маълумот берилса, айти мурддо бўларди. Бекзод ҚОДИРОВ, Наманган вилояти



Хорижда прокуратура тизими

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари тизимида ислохотлар асосан икки йўналишда амалга ошириляпти. Биринчиси, ташкилий-функционал, иккинчиси эса прокуратура органларининг ваколатларини ўзгартиришга доир ислохотлардир.

Ташкилий-функционал ислохотлар прокуратура органлари ташкилий тузилиши ва функциялар мажмуидидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Дунё миқёсида прокуратура органлари янги функциялар (халқаро жиноятчиликка қарши кураш, уюшган иқтисодий жиноятчиликни аниқлаш ва унга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш) юклатилмоқда.

1992 йили Италияда коррупцияга қарши кураш миллий бошқармаси, 1998 йили Швецияда иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бюроси, 2002 йили Руминияда миллий коррупцияга қарши кураш прокуратураси, шунингдек, 2001 йили мамлакатимизда Бош прокуратура ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаментининг ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Прокуратура органларининг ваколатларини ўзгартиришга доир ислохотлар уларга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзгартирилиши билан боғлиқ. Бунга мисол тариқасида МДХ давлатларида ўтказилаётган жиноят процессида шахсни қамоққа олишга санкция бериш бўйича прокуратура органларининг ваколатини ўзгартириш билан боғлиқ ислохотларни кўрсатиш мумкин.

Прокуратура органларининг мақоми ва ваколатлари ҳар бир давлатнинг тарихи ва ҳуқуқий маданияти даражасига қараб турлича бўлиши табиий. Шу ўринда Япония прокуратураси тизими тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсак.

Японияда прокуратура органлари Адлия вазирлиги таркибига киради. Прокуратура органлари ягона марказлашган тизим бўлиб, унга бош прокурор раҳбарлик қилади. Қонунга мувофиқ, Адлия вазири давлат прокурорларининг вазифасини қай даражада амалга ошираётганини назорат қилиб боради. Алоҳида ишларни тергов қилиш борасида ва улар бўйича қарорлар қабул қилишда Адлия вазири фақат бош прокурор фаолиятини назорат қилиши мумкин. Японияда прокурорларнинг мустақиллиги ва холислиги қонун билан ҳимоя қилинади.

Японияда прокуратура тизимига қуйидагилар киради: бош прокуратура, йирик шаҳарларнинг бош прокуратуралари, округ прокуратуралари ва туман прокуратуралари. Бош прокурор барча прокурорларнинг фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади.

Бош прокурор лавозимга ҳукумат томонидан тайинланади ва озод этилади. Бу ҳақдаги қарорни император тасдиқлайди. Прокурор лавозимига номзодлар давлат танловидан ўтишлари лозим. Танловдан ўтган шахслар прокуратура органларида икки йиллик фаолиятдан сўнг яна бир давлат имтиҳони топширадилар. Ундан муваффақиятли ўтган шахслар прокурор лавозимини доимий асосда эгаллайдилар.

Жиноят процесси соҳасида исталган жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб бориш, жиноят ишини кўзғатиш ёки тугатиш, тегишли қонунлар ижросини судлардан талаб қилиш, ҳукмлар ижросини текшириш ва назорат қилиш прокурорларнинг бевосита ваколатлари доирасига киради.

Бундан ташқари, прокурорлар жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунларда кўзда тутилган вазифаларни ҳам амалга оширади.

Япония Жиноят-процессуал кодексига кўра, прокуратура органлари жиноий-судлов фаолиятида қонунийликни назорат қилувчи ва жиноий таъқиб ва дастлабки терговни олиб борувчи органдир. Фақат прокурорлар айбланувчини ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида судга мурожаат қилишлари мумкин.

Давлат прокурорлари полиция тергов қилган жиноят ишларини ҳам тергов қилишга ҳақли. Шунингдек, юқори мартабали сиёсатчилар ёки давлат хизматчилари ёхуд катта бизнес вакиллари содир этган коррупция ва молиявий фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар бўйича иш кўзғатиш ҳамда дастлабки терговни олиб бориш мутлақ прокурорлар ваколатига тааллуқлидир.

Дастлабки терговда полиция ва прокуратуранинг ўзаро муносабатлари самарадорлигини ошириш юзасидан прокурорлар полиция органларига буйруқ ва кўрсатмалар беришга ҳақлидир.

Суд полицияси терговчилари терговни якунлаганидан сўнг иш материалларини прокурорга юборади. Дастлабки терговда полиция терговчилари гумон қилинувчини ҳибсга олган бўлса, 48 соат ичида бу ҳақда прокурорга хабар беришлари лозим. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ҳуқуқбузарликлар бўйича иш материаллари прокурорга юборилмайди. Одатда, бундай тоифадаги ишларнинг ҳисоботи тақдим этилади.

Суд процессида прокурор тараф сифатида иштирок этади, у айбловни қўллаши ва уни исботлаши талаб қилинади.

Азизбек ВАҲОБОВ,
Урганч тумани прокурори

Мақтабда физика фанидан дарс бераман. 1995 йилда «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлдим. Шундан бери энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари ва 2008 йилдан 2 баравари миқдорида кўшимча ҳақ олиб келардим. 2008 йил сентябрдан академик лицейга ишга ўтдим. Шундан сўнг кўшимча ҳақни бермай қўйишди. Шу тўғрими? Иккинчи саволим: унвон учун бериладиган ҳақдан солиқ олинадими? Н.МЕЙЛИЕВ, Китоб тумани

Иккинчи саволим: унвон учун бериладиган ҳақдан солиқ олинадими? Н.МЕЙЛИЕВ, Китоб тумани

1980 йилдан бошлаб туман марказлашган кутубхонасида оддий кутубхоначи бўлиб 16 йил ишладим. Қолган йиллари услубий бўлим мудури вазифасида ишлаганлигим учун 50 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқа оламанми? Ў.НОРМУРОДОВА, Қонимех тумани

Ў.НОРМУРОДОВА, Қонимех тумани

Саволингизга ўзингиз жавоб бераёйсиз. Қолганини навбатдаги жавобдан билиб оласиз.

Мамлакатимизда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар тақиқланганлиги ҳақида кўп эшитамиз. Лаҳзалик лотереялар таваккалчиликка асосланган ўйинлар сирасига кирмайдами? Шавкат ТОҲИРОВ, Навоий вилояти

Шавкат ТОҲИРОВ, Навоий вилояти

1. Нотўғри. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги 2-қарори билан тасдиқланган «Фахрий унвон эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида тўланади.

Охирги ой учун тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилгандан кейин бундай тўлов янги иш жойида тўлана бошланади. Бюджет ташкилотларида молия йилидан бошлаб ишлаётган шахсларга фахрий унвон учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар йиллик харажатлар сметасида назарда тутилади.

2. Солиқ кодексининг 31-бобида қандай унвон соҳиблари солиқдан озод қилиниши аниқ кўрсатилган.

2-гурӯх уруш ногирониман. Кредитга «Дамас» маркали автомобил олмоқчи эдим. Бу борда қандай имтиёзлар кўзда тутилган? Х.НУРИМОВ, Шовот тумани

Х.НУРИМОВ, Шовот тумани



2006 йил 6 май куни «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ тегишли банк билан кредит шартномаси тузишингиз мумкин. Аммо бирор имтиёз кўзда тутилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб республикамизда қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (жумладан, тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланади. Бу қоида тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереяларга нисбатан қўлланилмайди. Шунингдек, бундай ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, жумладан интернет тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, Ўзбекистон ҳудудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқланган.



Қандай гўшт маҳсулотларини сотишга йўл қўйилмайди? Харидор сифатида сотиб олаётган гўштниг истеъмолга яроқли эканлиги ҳақидаги ҳужжатни талаб қилишга ҳақлимизми? Зокиржон СИРОЖИДДИНОВ, Андижон вилояти

Зокиржон СИРОЖИДДИНОВ, Андижон вилояти

«Савдо шохобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисида» йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, унга биноан:

транспорт воситасида гўшт маҳсулотларини ташиш юзасидан белгиланган ветеринария-санитария талабларини бузган ҳолда келтирилган;

ветеринария гувоҳномаси (маълумотномаси) бўлмаган;

териси шилинмаган калла-поча, шунингдек, пати юлинмаган ёввойи ва уй паррандалари гўштарини сотишга йўл қўйилмайди.

Сотувчи харидор эътиборига гўштниг турига, гўшт учун ҳайвон қачон сўйилганлигига, истеъмолга яроқли эканлиги тўғрисидаги ветеринария гувоҳномаси (маълумотномаси)га оид маълумотларни ҳавола этиши шарт.

Сотувчи маҳсулот етказиб берувчининг фирма номи ва жойлашган ери (юримдик манзили) ҳақидаги ахборотни ҳам харидор талабига кўра беришга мажбурдир.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Чоршанба 11-fevral

Шанба 14-fevral

19.30 «Ишк жодуси», Т/с. 20.20 «Бобур хазинаси». 20.45 «Тошкент таронаси».

08.55 Музыка. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

Чоршанба 11-fevral

Шанба 14-fevral

Домашни

Спорт

ДТВ

19.30 «Ишк жодуси», Т/с. 20.20 «Бобур хазинаси».

08.55 Музыка. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».

08.00 М/с «Планинские страсти». 08.00 М/с «Планинские страсти».

08.55 «Ишк жодуси», Т/с. 09.00 Д/ф «Как уходили ку-миры, Анна Герман».



Чўкаётган, ёнаётган уйда қолиб кетган кишиларни қутқариш мумкинми? Бу иш мукофотга лойиқми ёки жазога? Иш пайти ухлаб қолиш қандай жазога сабаб бўлади? Тик туриб пиво ичиш мумкинми? Дунёнинг турли мамлакатларида мазкур саволларга жавоб берадиган қонунлар мавжуд. Улар қулгили бўлгани билан маълум сабаби бор. Чунки уларнинг айримлари қабул қилинганига уч-тўрт аср ўтиб, шароит ўзгарганига қарамай ҳалигача бекор қилинмаган.

Ғалати қонунлар

АҚШ ғалати, шу билан бирга, қулгили қонунлар кўп учрайдиган давлатлар сирасига киради. Ушбу мамлакатда, ҳатто, «ахлоқона қонунлар»га қарши курашувчи ташкилотлар ҳам мавжуд.

Айниқса, Техас штати шафқатсиз қонунлари билан машҳур. Бу ерда тик турган ҳолда уч қултумдан ортиқ пиво ичиш ва меҳмонхонанинг иккинчи қаватидан туриб буйволга ўқ узиш тақиқланади.

Кесишган йўлда рўпара келган поездлардан бири ўтиб кетмаганча иккинчиси тўхтаб туриши шарт. Штатда оёқ кийимсиз юриш учун эса махсус рухсатнома талаб этилади. Бунинг учун 5 доллар тўлаб қўйсангиз бас. Албатта, булар анча эскирган қонунлар. Янгиларидан ҳам бор. Собиқ президент Жорж Буш Техас губернатори лавозимида ишлаганида ғалати қонунни жорий қилган. Унга кўра, суиқасдни мўлжаллаётган қотил бу ҳақда қурбонини камида 24 соат олдин оғзаки ёки ёзма тарзда огоҳлантириши лозим. Мазкур қонунда амал қилмаслик жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади. Бошқа штатларда ҳам шунга ўхшаш қонунлар мавжуд. Масалан, Флоридада турмушга чиқмаган аёлларга якшанба кунлари парашютдан сакраш ман этилади. Чўмилиш кийимида кўшиқ айтиш, яланғоч ҳолда душга тушиш ёки бир куннинг ўзида учтадан ортиқ ликобча синдириш тақиқланади. Пенсакола шаҳрида қабул қилинган қонунга кўра, ваннадаги электр жиҳозлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида вафот этган аёлга 100 доллар жарима солинади. Бу ёғини эшитинг: Майамида сигнали бўлмаган велосипедда юриш тақиқланиши билан бирга велосипедларда овозли сигнал чалиш ман этилади. Куласанми, қуясанми?..

АҚШда ёнғинга алоҳида эътибор беришади. Шу боис бўлса керак, Чикагода ўт кетган уйда овқатланиш қонун билан тақиқланган. Форт-медисонлик (Айова штати) ўт ўчирувчилар қонунга кўра, чақирувдан сўнг 15 дақиқа машқ қилиб олишлари шарт. Сент-Луис шаҳрида эса ўт ўчирувчилар яланғоч ёки тунги қўйлақда бўлган аёлларни қутқаришмайди. Бунга қонун йўл қўймайди-да.

Аёлларнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутишига ҳам алоҳида эътибор берилади. Жумладан, Кентуккида аёллар йўлда чўмилиш кийимида юришмайди. Юришни исташса икки полициячи ҳамроҳи ёки қўлида белкураги бўлиши шарт. Эркакларга ҳам осон эмас. Масалан, Кармел шаҳри (Нью-Йорк штати) эркаклари ранги ҳар хил бўлган шим ва пиджак кийишни фақат орзу қилишса керак. Негаки, бунинг учун 500 доллар жарима тўлаш лозим.

Индиана штатида октябр ва март ойлари оралиғида ваннада чўмилиш, якшанба кунини автомобил сотиш, қуш ёки қуёнларнинг рангини ўзгартириш, вино дўконидан сут сотиш, жамоат жойларида тарвуз ейиш тақиқланади.

Европада ҳам ўзига хос қонунлар мавжуд. Масалан, Италиянинг Феррара шаҳрида маҳаллий пиш-лоқ ишлаб чиқарувчи қорхона ишчиси иш жойида ухлаб қолса, тўғри қамоқхонага равона бўлади. Лондонда эса аёл кишини кечки соат 9 дан сўнг дўппослаш ман этилади. Негаки, калтакланаётган аёлнинг қичқириви шаҳарликларнинг тинчи-ни бузар экан. Андоррада эса адвокат хизмати қонунан тақиқланган. «Қорани оқ қилиб берувчи ақлли ланади», — дейилади ҳозир ҳам амалда бўлган, 1864 йилда қабул қилинган қонун-да.

Исроилда велосипед миниб учун ёнингизда ҳайдовчилик гувоҳномагиз бўлиши шарт.

Сингапурдаги мана бу қонун биздаги айрим маҳаллаларга татбиқ этилса, фойдадан холи бўлмасди. Унга кўра, агар бирон киши уч бор ахлатни кўчага улоқтираётган пайтда кўлга тушса, якшанба кунлари кўчани ювишга мажбур. Бунинг устига унинг бўйнига «Мен кўчани ифлос қилдим» деб ёзилган тахтача осиб қўйилади. Энг даҳшати, одатда, бу жазо маҳаллий телевидение орқали намойиш қилинади.



Хитойда сузишни билмасангиз, чўмила кўрманг, чунки у ердаги қонунга кўра, чўкаётган кишини қутқариш тақиқланади. Бу бировнинг тақдирига аралашиш, деб баҳола-нар экан.

Францияда шундай қонун мавжуд: чўчқа боласини Наполеон деб аташ қонунга зиддир.

Кресскил (АҚШ) штатидаги мушуклар бўйнига камида учта кўнғироқ осиб шарт. Бу унинг келаётганлари билдириш усули юриши нини қуш-ларга берилган экан.

Лос-Анжелес (АҚШ)да амал қилувчи қонунга кўра, эр ўз хотинини эни 2 дюмдан ортиқ чарм камар билан уриши тақиқланади. Агар хотин бундан энлирогидан ҳам фойдаланишига рози бўлса, ихтиёр эрда.

АҚШнинг Фарбий Виржиния штатида йўлдаги автохалокат оқибатида ўлган ҳайвонларни кечки овқат учун уйга олиб кетишга рухсат берилади.

Миннесотада (АҚШ) эркак ва аёл кишининг кийимларини бир дорда ёнма-ён қуриштириш ҳамда яланғоч ҳолда ухлаш ман этилади.

Ш.ЖАҲОНГИРОВ тайёрлади

Тасаввур қилинг, Шотландияда яшайсиз. Кимдир эшик қоқиб, ҳожатхонангиздан фойдаланишни сўраса, қонун бўйича уни ичкарига киритишингиз шарт.





ЭМИНЕ СЕВГИ ЎЗДАМАР асли туркиялик, бироқ тақдир тақозоси билан Германияда яшаб, ижодини шу ерда давом эттираётди. Бугунги кунда миллионлаб туркиялик муҳожирлар Германияда яшаётгани сир эмас. Аммо бегона юртда орзулар бисёр бўлса-да, кўнгил ётдир. Қалб фақатгина эгаси туғилган жойда ободдир. Ўзга тилда ўз юртини соғинаётганлардан бири — Эмине Севги. Узоқ йиллардан бери кечинмаларини немис тилида қоғозга туширса-да, қалби ҳамон юртини қўмсайди, гўё ўзининг таърифича: «Ой фақат Истанбул узра нур сочаётгандай...».

Бир куни истанбуллик турк файласуфи меникига, Берлинга келди. У бу ерда бир неча кунгина бўлди, холос. Кўчаларга диққат билан назар солар экан, шундай деди: «Ўйлашимча, мен бу ерда яшай олмадим».

Кишин-ёзин самолётлар кўзлари ёшланган, юрагида дарди бор одамларни Европадан Истанбулга ташийди. Бундан уч йил олдин мен қишда самолётда эдим. Тўсатдан олдинда ўтирган аёл ўрнидан туриб, ўзини у ёқдан бу ёққа отиб, бақира бошлади. Ҳамма ўрнидан туриб кетди: «Нима бўлди?».

Бу аёлнинг иккита фарзанди Истанбулда автохалокатга учраган, ҳозир она уларнинг дафн маросимига кетаётган экан. Стюардессалар аёлни қўлларидан тутиб жойига ўтказиб қўйишди. Бироқ аёл ҳали ҳам қичқиради эди: «Эшикни очинглар. Мени ташқарига улоқтиринг. Болаларимни осмондан излашим керак. Би-ламан, жаннат шу ерда, улар эса жаннатдалар».

Унинг ноласи юракни эзарди...

У тез-тез деразадан қарарди, гўё уларнинг руҳи билан осмонда учрашмоқчи бўлаётгандай... «Эшикни очинглар». Кейин орқасида ўтирган йўловчиларга илинж билан боқди, нигоҳидаги ўтинчи англаб олиш мушкул эмасди. Худди улар ҳам у билан бирга осмондан болаларини қидириши керакдай, самолёт машинадек гоҳ ўннга, гоҳ чапга, баъзан орқага, баъзида олдинга юриб ўликларни қидириши лозимдай, бироқ самолёт бир текис ва фақат тўғрига учарди, гўё унинг ҳам осмонда ушлаб турган устун бордай...

Бундан йигирма беш йил муқаддам, ҳали Истанбулда яшаган чоғларимда ёзда Европадан Осиёга кетаётган кемага ўтирдик. Чой сотувчилар ҳам бор эди, уларнинг чўнтақларидаги чақаларнинг шақиршуқури тун сукунатини бузарди.

Осмондаги ой менинг назаримда каттакон эди, гўё ой фақатгина Истанбул осмонида яшаётгандай, гўё Истанбулни севиб қолгану, фақат шу юрт учун порлаб тургандай. Ой қаёққа боқса, уни киргизиб олиш учун ҳамма эшиклар очилаётгандай. Ой фақат сиз юрган йўлларни ёритаётгандай туюлаверади, туюлаверади. Ҳар бир истанбуллик ўз қўлида бир парча ой тутиб турибди гўё...

Айни дамда ой кемада менинг ёнимда турган иккита чехрани ёритиб турибди. Бир йигит ва бир қизнинг. Йигит: «Сен Мустафога ҳам калитингни берибсан. Алвидо». У кемадан ўзини денгизга отди... Отди-ю... ой нурига гўё гарқ бўлди. Кема шу пайтда Европа ва Осиёнинг қоқ ўртасида муаллақ турарди. Қиз ой шўласида қотиб қолгандек эди. Ундан бошқа ҳамма йигитни

қутқаришга ошиқди, ҳатто кема ҳам ёрдам учун бир томонга оғаётгандай эди. Чой куйилган идишлар чилпарчин бўлди, гўё йигитнинг дардидан парчалангандай. Буни кўрган чой сотувчилар: «Чой пули-чи, чой пули?», — дея қичқирадилар.

Мен ўзимга келиб қиздан: «У суза оларимиди?», — деб сўрадим. У бош ирғади. Кемадан йигитга иккита қутқарув балонини ташлашди, бироқ йигит ўз жони ҳақида ўйламас эди. Қутқарув қайиғига уни денгиздан олиб чиқди. Бечора! Ой ҳаммасига гувоҳ бўлди, йигитни шалаббо бўлиб кетган усти-боши билан капитан-

бу ишида ёрдам берардим. У менга шундай дер эди: «Мен худди Авлиё София черкови сингари одамман, ўша черков Византия қироли Буюк Константин томонидан деворлари тошдан, томи эса ёғочдан қилиб қурдирилган эди. Авлиё София черковида византияликлар бошқа черковларга қараганда кўпроқ ибодат қиларди, худого яқин бўлишни сўрарди ва, менинг ўйлашимча, осмондаги ой дунёнинг ҳеч бир ерида Константинополдаги сингари ёруғ нур таратмайди. Шунинг учун одамлар айнан шу ерда ойга яқин бўлишни истаб ҳам ибодат қилганлар».

норани қурдирган ва бу ерга қизини яшириб қўйган. Қиз бир куни узум егиси келиб шаҳарга боради, бир сават узум билан изига қайтаётганида сават тагига беркиниб олган илон чиқади ва қизни ютиб юборади».

Отинани хоним юзимни силар экан: «Қизалогим, сен ҳам шу чиройли кўзларинг билан қандадан-қанча эркакларни куйдирар экансан-а», — деди. Қуёш унинг қизилга бўялган тирноқларини ялтиратиб юборди, мен эса хонимнинг орқасидаги минорага боқар эдим. Кейин эса Отинани хоним икковимиз тўлқинсимон тебра-

Эмине Севги Ўздамар



нинг хузурига олиб боришганида ой бу ҳолатни худди масхарабознинг оловли ҳалқасидек ёритиб турди. Кема яна Осиё томон сузишда давом этди, чой сотувчилар харидорларни топиб чойчақаларини йиғиб олдилар. Ой бўш идишларни ёритиб турибди, шунда тўсатдан кема яна Европа томон қайрилди, қутқарув балонларини денгизда қолдиришибди...

Ой эса ҳар доимгидек Европа ва Осиё устида нур сочишда давом этарди.

Истанбул аэропортида қутувчилар кўп эди, узун йўлда кутиб турганларнинг баъзилари йиғлар эдилар.

Истанбулда неча эшик бор экан-а? Икки миллион одам бўлса, улар неча эшикни очиб-ёпсалар? Ой ёғдуси нахотки шунча эшикдан ичкарига кирса? Ой бунга қандай улгураркан-а?

Болалигимда Истанбулда тўрт юз минг одам яшарди.

Бизнинг кўшимиз Отина хоним асли грек миллатига мансуб эди, қариганидан осилиб қолган ёноқларини қулоқлари орқасига пластик ёпиштиришлар билан қаттиқ тортиб юрарди. Мен унга ҳар доим

Қулоқлари орқасидаги ёпиштиришлари билан Отинани хоним мева сотиладиган дўконга қараб кетарди. У ёноқларини таранг қилиб тортиб олгани туфайли ёш кўринарди, «ёшига» муносиб тез юришга ҳам ҳаракат қиларди, мен зўрга етиб олардим. Бироқ қариллик кучини кўрсатмай қўймайди шекилли, тез юрман деб хоним баъзан қоқилиб кетарди.

Дўкон эгаси мусулмон эди, хоним билан ҳазиллашиб: «Ох, хоним, гўё мусулма фаришта ташриф буюрди, у бош бармоғини бир устуннинг ковагига тиккан экан, Авлиё София черкови Макка-ю Мадина томон ҳаракат қила бошлабди», — дерди.

Мен ўшанда етти ёшли қизалоқ эдим. Отинани хоним билан кемада Осиё шаҳарларидан бирига жўнадик. Сафар олдида онам менга: «Эҳтиёт бўл, истанбуллик греклар шаҳарнинг ҳам тузи, ҳам қандидир», — деб қаттиқ тайинлагани ҳамон эсимда. Ўшанда Отинани хоним менга ўзининг Константинополни кўрсатган эди. «Денгиз бўйидаги кичкина минорани кўраёсанми? Византия қиролига унинг қизини бир аждар емоқчи эканлигини айтишгач, у шу афсонавий ми-

нучи кўприк устидан ўтдик. Бу кўприкнинг ўз тарихи бор экан. Машҳур Леонардо да Винчи 1503 йил 3 июлда мамлакат султони хат ёзади. Султон жавоб хатида бир фаройиб кўприк қурдириш ниятида эканлигини айтади, Леонардо эса ўзининг маслаҳатларини аямайди. Кўприк қуриш билан боғлиқ яна бир тақриф 1504 йилда Микеланжелодан келади. У қуйидаги савол билан мурожаат этади: «Агар мен бу кўприкни ўзим қурдирмоқчи бўлсам, султон мендан мусулмон эътиқодига ўтасан деб талаб қилмайди-ми?». Вазирлардан бири ушбу масалани султон билан муҳокама қилар экан, унга шундай жавоб қайтаради: «Йўқ, ўғлим, мен Истанбулни худди Рим каби яхши биламан. Бироқ ҳанузгача қайси бир давлатда диндорларнинг кўплигини билмайман. Султон сендан ҳеч нима талаб қилмайди». Аммо Микеланжело кўприкни барибир хура олмади, чунки уни Рим папаси юртдан қувғин қилдирди. Юз йиллар давомида Истанбулнинг Европа тарафига кўприк қурилмади, чунки бир томонда мусулмонлар яшаса, иккинчи томонда яҳудийлар, греклар, арманлар истиқомат қиларди. Фақатгина ба-

лиқчилар қайиқларида одамларни у ёқдан-бу ёққа таширдилар. Султон Махмуд II (1808-1836) ниҳоят мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганларни Истанбулда йиғди ва шу машҳур кўприкни қурдиради.

Кўприк тайёр бўлгач, ба-лиқчилар ишсиз қолдилар, бунга чидай олмайдиганлари кўприк устига таёқларини улоқтиришарди.

Кўприк мисли сахна эди: яҳудийлар, турклар, греклар, араблар, албанлар, арманлар, европаликлар, форслар, черкаслар, аёллар, эркаклар, отлар, ашаклар, сигирлар, товуклар, туялар — ҳамма-ҳаммаси шу кўприкдан ўтарди. Қачонлардир телба аёл ва эркак бўлган экан. Эркак кўприкнинг бу томонида, аёл эса нариги томонида туришаркан-да, эркак: «Шу ердан бошлаб Истанбул меники», — деса, аёл ҳам: «Бу ердан бошлаб Константинопол меники», — деркан.

Аэропортда такси тўхтатдим. Истанбулда тикки миллион аҳоли яшаганидан бери таксичилар манзилларни топа олмай довдирашади. «Хоним, қаерга боришингизни билмасангиз, нега менинг машинама чикдингиз?».

Мен бир дугонамникига бормоқчи эдим, чунки бу ерда дастлаб бориб кўрадиганларим, на отам, на онам бор эди...


Бундан бир йил олдин ҳам қишда самолёт билан Истанбулга, уч кун олдин вафот этган ота-онамнинг дафн маросимига келган эдим. Аввал онамдан айрилдик. Эсимда, ўшанда отам ўз креслосида ўтирарди, рўпарасидаги кресло бўш эди.

Орадани икки кун ўтиб отам ҳам бу фоний дунёни тарк этди. Унинг тобутини масжиднинг ҳовлисига қўйишди. У ерда яна бир неча тобут бўлиб, қайси майит қайси оилага тегишли эканини масжид имом-хатиби чалқаштириб юборди. Гўрковлар қафанга ўралган майитларни қабристонга олиб боришаётганида ҳар бир оилада битта эркак (аёллар қабрга яқин йўламайдилар) улардан ўзлариникини ажратиб олиши лозим эди. Менинг акам отамни таниб олди ва «Бу — бизнинг отамиз», — деб кўрсатди.

Айни дамларда мен такси билан ота-онам дафн этилган қабристондан ўтиб борардим. Отамнинг қабри қайсилигини ҳозир ҳатто билолмайман. Билганим фақат унинг қабри олдида денгизни кўрса бўларди. Истанбул аҳолисининг сони икки миллионга етгач, қабристонлар бошқармаси эски қабрларда ётганларнинг яқинларидан қабрларни сотиб олишни талаб қилди. Агар шундай қилишмаса, уларнинг қабрларига яна янги жасадаларни кўмишларини айтишибди. Ўшанда акам менга, Германияга кўнғироқ қилди: «Нима қилса экан-а? Отамнинг гўрини сотиб олсамикан ёки унинг бошқа жасадалар орасида йўқолиб кетишига йўл қўйиб берсамикан? Нима деб ўйлайсан? Менимча, унинг бошқа жасадалар билан бирга бўлгани маъқул бўлса керак». Ўша пайтлар Истанбулда қабристонларга боришмасди, ўликлар қаерда ётганининг бизга фарқи йўқ эди. Қабристонлар бўм-бўш бўлиб, шаҳарнинг ягона осуда жойи ҳисобланарди.

**Немис тилидан
Хафиза КҶҶҚОРОВА
таржимаси**

(Давоми бор)




Болалар
сахифаси

Kichikintoy

Ertaq

YALQOV TUYAQUSH



Bir bor ekan, bir yo'q ekan. Saratonning issig'ida, hatto, esayotgan shamol yuzlarga olov purkayotgan sahroda og'ir yuk ko'targan bir odam uyiga ketib borayotgan ekan. U dam olish uchun to'xtabdi. Atrofni tomosha qilayotib, bir tuyaqushga ko'zi tushibdi. Darhol uning yoniga yugurib borib:

— Jon tuyaqush, mana shu yukimni uyimgacha

olib bor, — debdi.

— Menga qara, — debdi tuyaqush.

— Qaradim.

— Nimaga o'xshayman?

— Tuyaga.

— Yo'q, men qushman, — debdi tuyaqush.

Odam qushga yuk ko'tarishni taklif qilgani uchun uyalib, yo'lga ravona bo'libdi.

Bir qancha vaqt o'tgach, o'sha odam bir bo'lak go'sht bilan uyiga yaqinlashganda bir kalxat go'shtini olib qochibdi. Nima qilishini bilmay qolgan odamning ko'zi yana tuyaqushga tushib, quvonib ketibdi.

— Jon tuyaqushjon, shu safar bir yordam qil, — deb yalinibdi.

— Nima bo'ldi? — debdi tuyaqush.

— Kalxat go'shtimni olib qochdi. Ortidan uchgin-u, quvib yetib go'shtimni olib ber.

— Menga qara, — debdi tuyaqush.

— Qaradim.

— Nimaga o'xshayman?

— Qushga, — debdi odam ajablanib.

— Yo'q, men qush emas, tuyaman, — debdi yana tuyaqush.

Qissadan hissa shuki, sizlar yam tuyaqushga o'xshab yalqov bo'lmanglar, aziz bolajonlar!

Rivoyat qilishlaricha, pahlavon Rustam dushman bilan bo'lgan janglardan birida asirga tushib qolibdi. Sadoqatli do'stlari dushman podshosi huzuriga elchi yuborib, Rustamni ozod qilish evaziga har qanday badal so'rasa ham berishlarini aytibdi.

— Mayli, — debdi shoh.
— Faqat bir shartim bor. Menga mol-dunyo kerakmas. Yaxshisi, Rustam menga uch kun ichida shunday bir ot topib bersinki, uning rangi dunyodagi hech bir rangga o'xshamasin. O'zi chovkar ham, saman yoki to'riq ham bo'lmasin, — deya yer yuziga ma'lum bo'lgan barcha otlarning turlarini sanabdi.

— Hechqisi yo'q, — debdi topqir yigit Rustam. — Shohga aytib

qo'yinglar, agar-da meni qo'yib yuborsa, u so'ragan otni, albatta, topib beraman.


Shoh Rustamni qo'yib yuboribdi.

Belgilangan muddat o'tgach, Rustam shohga maktub yo'llab, u aytgan otni topganini, faqat uni olib ketish uchun kelgusi haftaning maktubda aytilgan kunida kelish shart ekanligini yozibdi.

Ammo o'shandan buyon qancha vaqt o'tsa-da, shoh otni olib kelish uchun o'z mulozimlarini jo'natolmabdi.

Sizningcha, Rustamning maktubida qaysi kun belgilangan?

Foziljon ORIPOV



Sizning tengdoshingiz



—Endi bunday qilmayman, oyijon!

Hafiza YO'LDOSHEVA,
Xonqa tumanidagi
38-maktabning
4-sinf o'quvchisi

TOPISHMOQLAR

Har kun tongda
qo'shiq kuylab,
Mag'rur yurar hovli
bo'ylab.
Kuyi bir xil, bir ovoz,
Topdingizmi, bu

Oyoqlarda kavushlar,
Doim jonin hovuchlar.
Chopsa tutolmas hech kim,
Uning nomidir

She'r
Sevinch
parchasi


Shodliklarim bir olam,
Dilda ular barchasi.
Bilmagayman g'am-alam,
Qalbda sevinch parchasi.

Bunchalar go'zal dunyo,
Ochilar dil parchasi.
Qushday uchaman go'yo,
Qalbda sevinch parchasi.

Vazira
IBROHIMOVA



BiLmasvoyga
yordam bering-chi?



Sahifani Abdulatif Abdullayev tayyorladi

LATIFALAR

Yig'lashga bahona

O'zi nima xohlayotganini bilmagan o'g'ilcha tun yarmida g'ingshidi:

— Muzqaymo-o-oq, muzqaymoq yeyma-a-an...

Butun uy oyoqqa turdi. Lekin uni ko'ndirishning hech iloji bo'lmadi. Shunda bolakayning otasi «hozir kelaman» deganicha ko'chaga chiqib ketdi. Bu vaqtga kelib muzqaymoq so'zini aytib yig'lashdan charchagan o'g'ilcha biroz jim turgach, «ashula»si matnini o'zgartirdi:

— Dadajo-o-o-on...

Negr

Toshmat mehmonxonaga kelib joy so'rasa, faqat bir negrning yoni bo'sh

ekan. U rozi bo'ldi, faqat soat yettida uyg'otib qo'yishlarini so'radi.

Negr hazilkash ekan. Tunda Toshmatning yuzini qoraga bo'yab qo'ydi.

Soat yettida uyg'ongan Toshmat oynaga qarab:

— Ahmoq, meni emas, negrni uyg'otib qo'yibdi, — deb yana uxlab qoldi.

Sizga ham yo'q

Onasi kichik o'g'ilga jahl bilan:

— Bugun seni jazolayman, senga konfet yo'q, — dedi.

O'g'li javob berdi:

— Sizga ham yo'q, men barini yeb qo'ydim.

Elbek DO'STYOR o'g'li

◀ Эътироф

Самбонинг жадал ривож

Ўтган йили 9-12 октябр кунлари пойтахтимизда самбо бўйича ўсмирлар, қизлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати юқори савияда ташкил этилган. Унда дунёнинг 67 та давлатидан келган курашчилар гиламга чиқиб, умумжамоа ҳисобида вакилларимиз Россия ва Грузиядан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллаган, 6-8 октябрда эса ўсмирлар, қизлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида голиблар аниқланган.



Таъкидлаш жоизки, Равшан Аҳмаджонов, Фахриддин Пўлатов ва Роман Шокиров шогирдлари 28 та давлатдан келган самбочилар орасида ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Қитъа чемпионлари ва совриндорлари сифатида Ватанимиз байроғи баланд кўтарилишига ҳисса қўшишди. Меҳмонлар — Халқаро ва Осиё самбо федерацияси раҳбарлари ва мутахассислари бир вақтнинг ўзида иккита йирик мусобақа мезбонлигини аъло даражада уддалаган Ўзбекистон давлати шаънига, мамлакат самбо федерацияси мутасаддиларига миннатдорчилик билдирганди ўшанда...

Бу эътирофларга яна шунини қўшимча қилиш мумкинки, икки йил муқаддам ҳамюртимиз, Ўзбекистон самбо федерацияси президенти Фазлиддин Пўлатовнинг Осиёда самбони ривожлантириш кўмитаси раислигига тайинланган ва у қитъа мамлакатлари бўйлаб сафарлар уюштирди. Самбо бўйича Ўзбекистон катталар термаси устози Равшан Аҳмаджонов қитъада эркалар самбосига, ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Фахриддин Пўлатов жанговар самбо бўйича, аёллар терма устози Елена Пўлатова эса аёллар самбосини ривожлантиришга масъул сифатида Осиё мамлакатларида семинарлар ўтказишди. Бунинг натижасида бир қанча давлатларда самбо федерациялари тuzилди, Тошкентдаги Осиё чемпионатида ҳозиргача бўлган рекорд кўрсаткич — 28 мамлакат полвонлари иштирок этди.

2008 йилда Осиёда самбони ривожлантириш кўмитаси раиси Фазлиддин Пўлатов минтақаларо мусобақаларга ҳам асос солди. Яъни, Фарбий Осиё, Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Шарқий Осиё ҳамда Марказий Осиё минтақалари чемпионатлари уюштирилди. Мусобақалар ҳисоботлари Осиё Олимпия Кенгашига тақдим этилди. Бу ҳаракатлар самбо курашининг ҳар тўрт йилда бир бор ўтадиган Осиё ўйинлари дастурига кириши учун муҳим қадамдир. Бу ушбу спорт турини Олимпиада сари яқинлаштиради.

Акмал АБДИЕВ

◀ Тараддуд

Ўтган мавсумни кўтаринки кайфиятда яқунлаган «Андижон» футбол жамоаси янги чемпионатга тайёргарликни бошлаб юборди.

Янги йил муносабати билан футболчиларни қўтлаган Андижон вилояти ҳокими ва футбол федерацияси президенти Аҳмаджон Усмонов ушбу мавсумда кучли учликдан жой олишни жамоанинг бош вазифаси этиб белгиланган. Токқа чиққан чўққини кўзлар деганларидек, бу вазифани бажариш учун, албатта, жамоа жиддий ҳозирлик кўриши лозим. Чунки «Бунёдкор», «Пахтакор», «Нефтчи», «Насарф» сингари кучли жамоалар билан тенгма-тенг кураш олиб бориш осон кечмайди.

Аммо бир нарса муҳлисларга умид бағишлайди. 2007 йил якунига бағишланган йиғилишда вилоят ҳоки-

ми жамоа олдига бешинчи ўринни эгаллаш вазифасини кўйганида кўпчилик бу иш жамоанинг кўлидан келмаслигини ошқора билдирганди. Биринчи даврани 7-ўринда яқунлагач, жамоа бош мураббийи ўзгарди. Кучли футболчилар таклиф этилди. Ориф Маматқазин клубга Асқар Жа-

ми мавсумида жуда масъулиятли бўлади. Жамоа раҳбарияти олдимизга вазифа қўйдими, уни бажаришимиз лозим. 3-ўрин учун курашамиз. Жуда бўлмаганда, 5-ўриндан пастга тушиб кетмасликка интиламиз.

Мавсум жамоа учун муваффақиятли кечишини таъминлаш мақсадида янги футболчилар жалб этилди. Ҳар бир позицияда рақобатбардош икки футболчи бўлган

тақдирдагина ҳар бир ўйинчи асосий таркибга кириш учун астойдил тўқлади. Бундан

«АНДИЖОН» кучли учликни кўзламоқда...

дигеров, Бахтиёр Ҳамидуллаев, Владимир Гочашвили сингари футболчиларни жалб этиб хато қилмади. Биргина грузиялик Леван Мдивнишвили иккинчи даврада 11 та гол уриб, жамоасига катта фойда келтирди.



— Албатта, жамоани қўллаб-қувватлагани учун раҳбарият, мураббийлар билан бирга вилоят ҳокимияти ва автосаноат раҳбариятига ташаккур билдираман. Улар клубга ҳар тарафлама кўмак бериб келмоқда, — дейди Ориф Маматқазин. — Бу йил-

жамоа фақат ютади.

Мавсумга тараддудни 3 январдан бошлаган «Андижон» ўз сафига «Навбахор»дан Шухрат Мирхолдишоев, «Қизилқум»дан дарвозабон Игор Михайлов ва ярим ҳимоячи Руфат Исроилов, «Сўғдиёна»дан Акмал Шораҳмедов, «Машъал»дан Дилявер Ваниев, Виктор Клишинларни қўшиб олди.

Жамоадаги легионерлар сафига яна уч нафар украинлик футболчи қўшилиши мумкин. Василий Плехтяк, Василий Рибак, Анатолий Вороналар мураббийлар синовидан ўта олса, Андижонда тўп суради. Шу кунларда жамоа Туркияда ўқув-машғулот йиғинини ўтказмоқда. Хуллас, янги мавсумдан андижонлик муҳлисларнинг умиди катта.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» муҳбири

▶ Белбоғли кураш

Вилоят ҳокимиятида маънавий маркази раҳбари, шоир Зиёвуддин Мансуров билан суҳбатлашиб ўтирдик. Хонага кўзлари чараклаб турган йигит кириб келди-да, ҳар икковимиз билан самимий сўрашди. — Пойтахтга мусобақага кетаётганим, — деди, сўнг шеригимга қараб. — Қарасам, эшигингиз очик. Кўришиб кетай, деб кирдим. — Фотиҳа олишга, деб кўя қолинг, — ҳазил-мутойибасиз тура олмайдиган шеригим йигит гапини «тузатган» бўлди. Йигитга омад тиладик.



— Танидингизми? — З.Мансуров йигит чиқиб кетгач сўради. — Наманганимиздагина эмас, Ўзбекистонда ҳам санокли ҳисобланган уч карра жаҳон чемпиони Рустамжон Умаров шу йигит бўлади.

Ўтган йил ёз ўрталарида Рустамжон билан илк танишувимиз шундай кечган эди.

Орадан сал вақт ўтмай, Рустамжонни ахтариб Тўрақўрғонга бордим.

— Полвонимизни топиш осон, — дейишди туман ҳокимлигида. — Кўпинча спорт залида машқ қилаётган ёки болаларни шуғуллантираётган, ё бўлмаса, томорқада деҳқончилик билан машғул бўлади.

Белбоғли кураш бўйича

либ қолади. Шу сингари мен ҳам эсимни таниганимдан буён кураш билан шуғулланиб келаман. Бу борада амаким Неъматжон Тўйчиевни ўзимга устоз деб биламан.

— Бола бошидан, деганларидек курашчилар ниҳол

ғизда қаттиқроқ муҳрланган? — сўраймиз Р.Умаровдан.

— Улардан биронтасини осон ўтган деёлмайман, — хаёлга толгандай жавоб қайтаради Рустамжон. — Халқаро беллашувга ҳеч ким енгил галабани ўйлаб келмайди. Лекин шундай беллашувлар

ғи учрашувимиз ҳам осон кечмади. Ҳар иккисида ҳам ютуқ мен томонда бўлди.

Шу нарса билан фахрланишимиз мумкинки, бугунги кунда белбоғли кураш жаҳон миқёсида оммалашди. Белбоғли кураш бўйича сўнгги жаҳон чемпионатида эллика яқин мамлакат спортчилари иштирок этди. Ўзбекистон спортчилари орасида Рустамжон Умаров олтин медални қўлга киритди.

Наманган давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини тамомлаганман. Чемпионимиз ҳозир Тўрақўрғон туманида мураббийлик қилаяпти.

Олдинда халқаро мусобақалар кўп. Бу йил мамлакатимиз пойтахтида белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтади. Рустамжон ушбу катта миқёсдаги беллашувда навбатдаги жаҳон чемпионлиги унвонига эришиш учун астойдил ҳозирлик кўраётир.

Обиджон
ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» муҳбири

Тўрақўрғонлик жаҳон чемпиони

дунёдаги қатор мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда голиб чиқиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, мадҳиямиз янграшига эришган йигитни бир қарашда шунчалик куч-қувват эгаси эканлигини тасаввур этиш қийин. Йигит қай тариха маҳорат ва куч-қувват эгаси бўлди? Турли мамлакатлардаги рақибларини қандай қилиб мағлуб этди? Бундай юксак маҳоратга қай тариха эришди?

— Агар нокамтаринликка йўймасангиз, бизнинг наслимиз асли полвонлар авлоди, — самимий жилмайиб дейди Рустамжон. — Бизда ўғил болалар юришни бошлаб-бошламай, белига белбоғ боғлаб, тенгдоши билан кураш тушади. Беш-олти ёшга етганида бўлажак курашчи сези-

пайтлариданоқ билинади, — деди кейинчалик туман кураш мактабининг раҳбари Н.Тўйчиев билан учрашиб Рустамжон айтган гапларни эслаганимизда. — Рустамнинг улғайса курашчи бўлиши ёшлигиданоқ билиниб туради. Болдирлари ва билаги тўла, бакуват эди. Тенгдошларининг олди эди у.

Дарҳақиқат, Рустамжон Умаров устозининггина эмас, ўзи ўқиган мактабнинг, ота-онасининг, уни таниган, билган барча-барчанинг ишончини оқлади. Маҳалла, мактаб ва тумандаги мактаблар, сўнггра вилоят ва мамлакат миқёсида, кейинроқ эса жаҳон ареналарида кечган беллашувларда кетма-кет галабалар соҳиб бўлди.

— Қайси бир рақибингиз билан олишувингиз хотиран-

Тахририятдан:

Яқинда, аниқроғи, 2008 йил 31 декабр санасида Наманган вилоят ҳокимлиги жаҳон чемпиони Рустам Умаровга «Матиз» автомашинаси совға қилди. Шунингдек, Того республикасида ўтган жаҳон чемпионатида совриндор бўлган наманганлик курашчилар Шухратжон Бозоров, Уғилой Латипова, Жаҳонгир Абдулхаев ҳамда спортчиларнинг устози Неъматжон Тўйчиевга қимматбаҳо совға — рангли телевизорлар тўхфа қилинди.

Кувончли томони, юртимизда мохир спортчиларнинг кўплиги ҳамда уларга яратилаётган шароитлар мамлакат нуфузини дунё аро ёйишга хизмат қилмоқда.



Автобус ҳалокати

AFP агентлигининг хабар беришича, Колумбияда содир бўлган автобус ҳалокати туфайли камида 20 киши ҳаётдан кўз юмган.

Фожа Чоко округининг тоғ йўлида юз берган. «Rapido Ochoa» компаниясига тегишли автобус йўлдан чиқиб кетиб, 120 метр баландликдан жарликка қулаган. Автобусда 40 нафар йўловчи бўлиб, маҳаллий ҳокимият вакилларининг таъкидлашича, бу меъёрадан анча ортиқдир.

Воқеа жойида қутқарувчилар иш олиб бормоқда.



Қор ёғди-ю қор ёғди, томга баробар ёғди...

Сугурта компаниялари 24 январ куни Францияда содир бўлган кучли тўфон келтирган талофат миқдорини ҳисоблаб чиқишди. Мутахассисларнинг баҳолашича, зарар миқдори қарийб 1,4 млрд. еврога ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб тўфон оқибатида 400 дан 600 гача уй-жой ширкати зарар кўрган.

Душанба кунги маълумотларга кўра, тахминан 15 минг хонадон ҳамон электр қувватидан бебаҳра қолмоқда.

Айни дамда бутун Европа бўйлаб кучли қор ёғиши кузатилаёпти. Францияда қорнинг қалинлиги 3-10 см.ни ташкил этиб, кўпгина автомагистралларда юриш қийинлашган. Бир неча аэропортда эса айрим рейсларни қолдириш ёки бекор қилишга тўғри келмоқда.

Буюк Британияда ёққан кучли қор эса мамлакат иқтисодиётига 1,7 млрд. доллар зарар келтиргани айтилмоқда. Мавжуд компанияларнинг 20 фоиз ишчиси қалин қор туфайли ишга чиқа олмаган. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, 2009 йилнинг биринчи кварталда мингдан уч минггача фирма, айниқса, савдо ва қурилиш соҳасидагилар банкротга учраши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 2 феврал куни қор уюмлари ва қор бурони туфайли Англия, Шотландиянинг бир қисми ва Уэльдаги барча йўллар беркилиб қолган. Лондонда автобус қатнови тўхтатилган, юзлаб авиарейслар бекор қилинган.

Темирни қизигида босиш керак

Ирландиянинг «Ryanair» авиакомпанияси «Boeing» ва «Airbus» компаниялари билан 400 та самолёт сотиб олиш ҳақида музокараларни бошлади.

«Ryanair» самолётларга яқин икки йил мобайнида буюртма беришни мўлжалламоқда. Ҳозирги иқтисодий инқироз шароитида самолётларга талаб камайганлиги боис авиакомпания ишлаб чиқарувчиларнинг нархни туширишидан умид қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Boeing» ва «Airbus» самолётларига талаб 2009 йилда 2007 йилдагига нисбатан 25 фоиз камайиши кутилаёпти.



Қувилмаган қочоқ

Каролина (АҚШ)лик 49 ёшли Бенни Уинт 20 йилдан буён ўзини полиция кидираётган жиноятчи деб ҳисоблаб юрган экан.

Автомобилини чироқлари носоз ҳолда бошқариб кетаётганида уни полиция сержанти Стейси Уайт тўхтатган.

Сержант билан суҳбат чоғида Уинт унга кейинги йигирма йил мобайнида яшаган сохта исмини айтади. Ўз навбатида сержант полициянинг маълумотлар базасини текшириб кўриб, бундай исм у ерда йўқлигини маълум қилган. Уинтнинг таъкидлашича, ўзига нисбатан наркотик борасидаги қонунчиликни бузганлиги учун қидирув эълон қилинган, деб ҳисоблаб келган. Чунки у ўтмишда наркосиндикат аъзоси бўлган экан. Бироқ унга бундай гумон йўқлигини билдиришди.

Уинт 1989 йилда қаллиғи билан Флоридада дам олишаётганда ўз ўлимини «сахналаштирган»: денгизга ўзини ташлаб, қизнинг кўз олдида ғойиб бўлган. Қиз эса хавотирга тушиб, бу ҳақда қутқарувчиларга маълум қилган. Қидирув ишлари натижа бермагач, Уинт бедарак йўқолган, дея эътироф этилган. Узининг айтишича, соҳилга етиб олгач, Алабама штатида йўл олган. Бунинг учун 640 км. масофани босиб ўтган. Сўнг бу ерда сохта — Уилям Свит исми билан янги ҳаёт бошлаган. Барча қариндошлари, шунингдек, собиқ хотини ва соҳилда қолдириб кетган қаллиғи ҳам уни ўлган, деб ҳисоблашган. Унинг биринчи ва иккинчи турмушидан 23 ёшли қизи ва 17 ёшли ўғли бор.

Айни пайтда Уинт ҳайдовчилик гувоҳномасиз автомобил бошқарганлик ва полицияга ёлғон маълумот берганликда айбланмоқда. Чунки полициячи билан суҳбат чоғида Уинт асл исмини яширган.



Бир-бирини айблашмоқда


Мадагаскар ҳукумати муҳолифатчи кучлар раҳбари бўлган Андри Ражуелина мамлакат пойтахти Антананариву шаҳри мэрлигидан озод этилганини маълум қилди. Бу ҳақда мамлакат Ички ишлар вазирлиги қарор қабул қилган. Айтилишича, 31 январ кунги намойишда Ражуелина ўзини давлатнинг янги раҳбари деб эълон қилган.

Уша куни Ражуелина президент ва ҳукумат ўз вазифасини уудалай олмаётгани, шу боис яқин кунларда амалдаги давлат раҳбариятини четлатиш борасида қонуний жараён бошланиши лозимлигини таъкидлаган. Шунингдек, бу ҳақда Мадагаскар парламентида тегишли ҳужжатларни тақдим этишни мўлжаллаётганини билдириб, 7 феврал-

гача вақтинчалик ҳукумат рўйхатини тақдим этишга ваъда берган.

Муҳолифатчи Ражуелина ва президент Раваломанану ўртасидаги сиёсий тўқнашув мамлакат шаҳарларидаги кўчаларда оммавий тартибсизлик ва намойишларни келтириб чиқарган. Мэр мамлакат раҳбарини диктаторлик, бошқарувдаги ўқувсизлик ҳамда давлат бюджети камоматида айбламоқда.

Ўз навбатида, президент Раваломанану ҳам қарши томонни 70 нафардан ортиқ беғуноҳ одамнинг жабрланишига сабаб бўлган тартибсизликларни келтириб чиқаришга алоқадорликда айблади.



Душанба куни Сомали қароқчилари Туркияга қарашли, экипаж аъзолари орасида саккиз нафар Украина фуқароси бўлган «Bosphorus Prodigy» кемасини қўйиб юборди.



Қароқчиларга ён берилганми?

Экипаж аъзолари етти ҳафта мобайнида гаровда ушлаб турилган. Уларнинг саломатлиги ҳамда тўловнинг миқдори ҳақида маълумот йўқ.

Аммо ўтган йилнинг сентябридан буён Кенияга 32 та Т-32 русумли танкни олиб кетаётганида қўлга олинган «Фаина» кемаси экипажининг камида 17 нафар украиналик аъзоси ҳамон қароқчилар қўлида қолмоқда.


Маълумотларга кўра, 2008 йилда қароқчилар Адан кўрфази, Арабистон денгизи ва Ҳинд океанида 111 та кемага ҳужум уюштирган. Бир неча давлат Сомали соҳилларига кемаларни қароқчилардан химоя қилиш мақсадида ўз ҳарбийларини юборган.

Зарарни қоплаш учун...


Американинг «Masys» савдо тармоғи етти минг нафар ишчининг хизматидан воз кечиш ниятида. Бу мазкур компанияга қарашли 840 та дўкондаги савдо ҳажми пасайиши оқибатида келадиган зарарни қоплайди, деб тахмин қилинмоқда.


Қисқартиришга тармоқда ишлаётган 180 минг ишчининг қарийб 4 фоизи тушиши кутилмоқда. Компания бундан йилига 400 млн. доллар иқтисод қилади. Қолаверса, «Masys» савдо тармоғи 11 дўконини ҳам ёпади.

Таъкидлаш жоизки, «Masys» акциялари кейинги 12 ой мобайнида 69 фоизга арзонлашган.




Интернет хабарлари асосида **Ж.ШАРОФБОЕВ** тайёрлади





ИЗОХИ СИЗДАН...



Айрилсанг-да онангдан, Сира бўлмас холинг вой. Ёзу кишда мен сенга, Соябонман айиквой.

Суратдамас, ҳаётда Дўст бўлсак зўр бўларди. Бундан эса ҳаммининг, Кўнгли завққа тўларди.

Асадулло МИРЗААҚБАРОВ, «Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касабга уюшмалари кўмитасининг раиси

Ёдингдами Кундуз-ой ўша дамлар, Маза қилиб яшардик, йўқ эди гамлар. Энди тўтиқушлар кафасда тутқун, Кундуздан теллақлар кияр одамлар.

Шухрат ХАЛИЛОВ, Навоий шаҳри

Шунча ҳам ичасанми Энди холинг вой, жўра! Хотининг ўқлов тугиб, Чикиб турибди, қара!

Кўйвор, тўтивой, сендан Хасислик қачон кетар. Бу ердаги емишлар Иккимизга ҳам етар.

Шамол кўтариляпти, Бағримга олай сени. То дўст эмассан, дея Қилма айбдор мени.

Азизбек НОРОВ, Қарши шаҳри



Эсон МАНСУРОВ олган сурат

Энди навбатдаги суратга ИЗОХ топинг-чи?

Бахтлиммисиз?

Рухият манзаралари

Бахтлиммисиз деган саволга ҳар доим ҳам ҳа, дея жавоб қайтаргимиз келади. Бироқ бунинг учун кўп ҳаракат, изланиш кераклиги баъзан малол келадигандек. Куйида эътиборингизга ҳавола этиладиган саволлар орқали бахтлилик даражангиз, турмушингиздан қанчалик мамнун эканлигингизни аниқлаш имкони мавжуд.

Дастлаб хонадон ҳолими ҳисобланмиш эришлар ҳуломга саволларни ҳавола этишимиз:

1. Ўз ҳаётингизни қайтадан кўриб чиқсангиз, умрингизни бошқатдан бошлашни хоҳлармидингиз? («ҳа» — 10, «баъзан» — 5, «йўқ» — 2)
2. Турмуш ўртоғингизнинг кийиниш борасидаги маданиятини паст деб ҳисоблайсизми? («ҳа» — 8, «баъзан» — 2, «йўқ» — 4)
3. Жаҳлингиз чиқса, оила аъзоларингизга бақриб ховрдан тушасизми? («ҳа» — 7, «баъзан» — 3, «йўқ» — 5)
4. Кеңурунлари ҳар доим уйда бўласизми? («ҳа» — 2, «баъзан» — 5, «йўқ» — 10)
5. Хотинингиз ёқтирган гул, китоб, кийим кабилардан хабардормисиз? («ҳа» — 4,

Саволларга жавоб бериш навбатини аёлларга берамиз.

1. Хаёлан ҳар хил шубҳаларга борсангиз-да, эрингизни ўзингизга энг керакли инсон деб биласизми? («ҳа» — 10, «баъзан» — 5, «йўқ» — 2)
2. Эрингизнинг касби, ишга бўлган муносабати сизни қизиқтирадими? («ҳа» — 4, «баъзан» — 2, «йўқ» — 8)
3. Болаларингизга бўлган меҳр эрингизга бўлган севгидан кучлими? («ҳа» — 8, «баъзан» — 2, «йўқ» — 3)
4. Бирор хил ширинлик кайфиятингизни буткул ўзгартирадими? («ҳа» — 10, «баъзан» — 3, «йўқ» — 4)
5. Яқин дугоналарингизнинг эрларини ўзингизникидан яхши деб ҳисоблайсизми? («ҳа» — 6, «баъзан» — 0, «йўқ» — 1)
6. Ойна олдида ўзингизни кўз-кўз қилишни ёқтирасизми? («ҳа» — 9, «баъзан» — 7, «йўқ» — 2)
7. Турмуш ўртоғингизнинг ишдан ташқари бўлган сеvimли машғулоти сизни ран-

- житадими? («ҳа» — 8, «баъзан» — 5, «йўқ» — 2)
8. Ютуқларидан қувонасизми? («ҳа» — 3, «баъзан» — 2, «йўқ» — 10)
9. Оилани давлат ишдан зарурроқ деб ўйлайсизми? («ҳа» — 10, «баъзан» — 0, «йўқ» — 1)

Бу тест натижалари асосида оиладаги муносабатларнинг уч хил даражаси: муаммоли, ўртача даражадаги ва энг яхши оила эканлиги аниқланади.

Энди натижалар билан танишинг:

69 ва ундан кўп балл — сиз ўз оилангизда унчалик бахтли эмассиз. Бунинг кўп сабаблари хулқингиз билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам энди оила аъзоларингизга, айниқса, хотинингизга эътиборингизни кучайтиринг, уни шахс сифатида қадрланг, шунда сиз ҳам иззат кўрасиз. Балки хотинингизга бўлган совуқ муомалангиз сизга бўлган бепарволик туйғулдир. У ҳолда хотинингиз билан жиддий гаплашиб олинг. Бир-бирингизни тушунишга ҳаракат қилинг.

40-68 балл — сиз ўз оилангиздан розисиз. Оиладаги шарт-шароит сизни қониқтиради. Шунга қарамасдан баъзан ёшлик хотиралари ҳаёлингизни олиб қочади. Бироқ бу бор-йўғи хаёлпараст эканлигингиздан далолат беради ва бунинг оилага дахли йўқ. Оилангизда ўзингиз учун керак ҳаловатни топа олгансиз.

33 дан кам балл — баъзида оилангизда хархашалар содир бўлиб туради. Оилада нималар бўлмайди ахир. Энг муҳими, сиз бахтлисиз.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг ВАЗ-21041 ва ИЖ-27175 ҳамда ВАЗ-2107 автомобилларини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотишни маълум қилади.



ИЖ-27175

* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



ВАЗ-21041



ВАЗ-2107

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51, 276-77-20. Факс: (8-371) 276-97-40

Муштарий мулоҳазаси

Ишхонада қизлар билан тушлик қилиб ўтиргандик. Одатда, тушлик пайти маза қилиб гурунглашамиз. Коллеждаги фаолиятимиздан тортиб уйдаги аҳволгача гаплашамиз. Гоҳида эса Африкаю Американи «бир айланиб чиқамиз».


— Менда бир савол бор, — деди бу гал Адолат. — Олдингиздан Хизр чиқса, нимани тилаган бўлардингиз?

Ҳамма жимиб қолди. Ора-мизда ёши каттароқ Саида гап бошлади.

— Мен, масалан, болаларим ақлли-хушли бўлсин, уларнинг роҳатини кўрай, деган бўлардим.

— Мен онам юз йил умр кўрсинлар, деб тилак тилардим, — жилмайди Адолат.

— Мен ўзимга яхши умр йўлдош тилардим, — Севара



юзларини беркитиб олди.

— Мен эса турмуш ўртоғимга ишда омад қилиб боқошсини сўрардим, — хўрсинди Райхон.

Навбат менга келди.

— Тўғриси айтсам, илм хазинасининг калитини тилардим. Бу хазина орқали эл-юртимизнинг равнақига равнақ кўшардим, — дедим.

— Нега ҳеч ким пул сўрамади? Ё керакмасми? Ҳаммада етарлими? — шаддод Севара қошини қоқиб қўйди.

— Э, пул қўлинг кири. Хизрдан пул сўрасак, уят бўлмайдими?

— Агар бир йўла учта тилак тилаш имкони бўлса-чи? Унда сўрармидик?

Хуллас, шу тарзда баҳс-мунозараларимиз давом этди. Тўғриси айтсам, шу кун рўстданам Хизрни учратгандек, унга тилақларимни бир-бир баён этгандек ва тез орада улар рўёбга чиқадигандек ҳис қилдим ўзимни.

Ҳамкасбларимнинг чеҳраларидаги хушнудлик улар ҳақида ҳам шундай мулоҳаза юритиш имконини берди. Яхшилик ҳақида ўйлаш, яхшилик ҳақида гапириш нақадар яхши-я, деб қўйдим ўзимга.

Шундан буён суҳбатларимиз фақат яхши нарсалар ҳақида кечадиган бўлди. Бунинг натижаси сифатида ҳаётимиз янада яхшилана бошлаганини ҳис қиляпман. Балки сиз ҳам бир синаб кўрасиз?

Дилфуза ҲАСАНОВА,
Урганч тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Бухоро вилояти касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Бухоро вилояти ташкилоти кенгаши раиси Болта Сулейманович Гафаровга умр йўлдоши

Назира ГАФАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чукўр таъзия изхор этади.

<p>Ishonch</p> <p>МУАССИС:</p> <p>Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ</p>	<p>Бизга кўнгирик қилинг:</p> <p>Котибият: 256-52-78</p> <p>Хатлар бўлими: 256-85-43</p>	<p>Бизнинг манзил:</p> <p>100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.</p> <p>Нашр кўрсатиши: 133, 134</p>	<p>Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p>Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев</p> <p>Навбатчи - А.Абдуллаев</p> <p>Мусахҳих - Ш.Абдусаматов</p>
	<p>Таҳрир хайъати:</p> <p>Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Мазъура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Аҳбаров, Ойсулув Нафасова, Пириқул Қодиров, Соғиндиқ Ниятуллаев, Шамси Эсонбоев</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 0116-рақам билан рухсатга олинган.</p> <p>IBM компьютерида терилди ва сифатлашди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳақми 4 босма табоқ.</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа аъзядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланган мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилади шарт. Тилнинг аҳамиятига мўлоқ материаллар белгисиз босида чоп этилади.</p>	<p>Бюроғица Г-114</p> <p>Тиражи: 17147</p> <p>Босишга топшириш вақти - 21.00</p> <p>Топширилди - 21.40</p>
<p>E-mail: ishonch-doverie@mail.ru</p>				<p>ISSN 2010-5002</p>	<p>Сотувда эркин ишарда</p> <p>7 3 4 5 6 7 8</p>